REPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.

Ушбу сонда:

2 УЧ КАРРА АДАШУВ

СИЙЛОВГА... ЖАРИМА 3

ИСПАНИЯ: СУД ВА ПРОКУРАТУРА ТИЗИМИ 4

Abraham LINCOLN: ИККИ ДУНЁГА СИҒМАГАН БЕЗОВТА РУҲ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 20 (327)
2003 йил
20 МАЙ
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 11-МОДДА

Nuqtai nazar

ТАКОМИЛ ЗАРУРАТИ

Шахс, жамият ва давлат манфаатларига зид хатти-ҳаракатларни аниқлаш ва жиноятчиларни жазолаш анчайин мураккаб вазифа. Уни бажариш одил судловга оид жиддий тартиб-қоидалар бўлишини тақозо қилади. Ривожланган мамлакатлар қаторида мамлакатимизда ҳам одил судловни амалга оширишнинг турли демократик воситалари ва усуллари назарда тутилган. Суд ҳокимияти ва унинг асосий тамойиллари конституциямизнинг алоҳида бобида акс эттирилган. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида жиддий қадамлар қўйилди. Лекин уни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш зарурати ҳали сезилиб турибди.

Табиийки, одил судловни жамиятда кимлар зиммасига юклатилгани алоҳида эътиборга эга. Ҳар қандай суд тизимида марказий ўринни судья эгаллайди. Унинг холислиги, мустақиллиги ва ўз фаолиятида ҳеч кимга буйсунмаслиги шарт. Судья бошқаларнинг фикри, тавсияси ва фармойиши билан эмас, фақат Конституция ва унга мос бўлган қонунларга бўйсуниб фаолият кўрсатади.

Мамлакатимизда ҳозирги тартибга биноан барча фуқаровий ва хўжалик ишларини ҳамда 70 фоиздан зиёд жиноят ишларини судья якка тартибда кўриб ҳал қилмоқда. Фақат беш йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум этиш назарда тутилган оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар судьялар ҳайъатида кўрилади. Ҳар икки ҳолда ҳам одил судлов учун фақат судьялар масъулдир.

"Суд тўғрисида"ги қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий судидан бошқа барча судларда жиноят ишлари бўйича одил судловни судьялар билан бир қаторда халқ маслаҳатчилари ҳам амалга ошириши назарда тутилган. Халқ маслаҳатчисининг судья билан тенглиги ҳақида қоида Конституциямизда кўрсатилмаган. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, бундай қоидага риоя қилган судья суд таркибидаги маслаҳатчиларининг фикри билан ҳисоблашмай иложи йўқ ва уларга бўйсунишга мажбур. Икки маслаҳатчи иш бўйича бир фикрга келса, судьянинг мустақиллиги инкор қилинган бўлади. Фикримча, Конституциямизда халқ маслаҳатчиларига тенг ҳуқуқли судья, деб қайд этилмагани жуда асослидир.

Халқ маслаҳатчиларининг суд тизимидаги мавқеи узоқ ва чалкаш тарихга эга. Чунончи, мамлакатимизда 1929 йилга қадар давом этган қозилик тизимида маслаҳатчи лавозими бўлмаган. Қозихонадаги муфти ва аълам каби ходимлар қозиларга ривоят тузишда кўмак берган, лекин низо-можарони кўриб ҳал этишда бевосита иштирок этмаган. Қози мустақил, якка тартибда, иш кўрган. Табиийки, у бошқаларнинг, хусусан, аллома фақиҳларнинг фикр ва маслаҳатларига риоя қилган, аммо улар қозилик ваколатларини асло бажаришмаган.

Маълумки, кўп мамлакатларда суд таркибига судьялар билан бир қаторда аҳолининг баъзи вакилларини ҳам киритиш расм бўлган. Жумладан, Россияда 1775 йилда ўтказилган маъмурий ва суд ислоҳоти земский (маҳаллий) судларда барча ишларни дворянлар сайлаган "заседателлар" иштирокида кўрилишини лозим топган. Аслида бу Германия судлари таркибидаги табақалар вакиллиги — шеффенларга тақлид эди. 1917 йил мартида "заседателлик" бекор этилган. Аммо барча қилмишларини "халқ манфаати" билан ниқоблашга одатланган қонли тўнтариш пешволари ўзларининг 1917 йил 24 ноябрда чиқарган Суд тўғрисида биринчи декретида "заседателларга" "халқ" сўзини қўшимча қилиб, гўё қайта амалга жорий этишган. Дастлаб шўро замонида барча ишлар суд раиси билан тенг овозга эга бўлган икки "заседател", мураккаб ва муҳим жиноят ишлари — олти нафар "заседател" томонидан кўрилган. Шундан буён жиноят ишлари бўйича бу тенг ҳуқуқли судьялар тизими ўзгаришсиз қолиб кетган.

Менимча, бу борада ҳақиқий ҳолатни сергаклик билан таҳлил қилиб, оқилона хулоса чиқариш лозим. Даставвал, "заседатель" ва "маслаҳатчи" атамаларининг бир-биридан луғавий фарқига эътибор берайлик. Маслаҳат, мулоҳаза ва тавсияларини бундай шахс халқ номидан беришга ҳақлими? Йўқ! Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин эканлиги Конституциянинг 10-моддасида равшан зикр этилган. "Заседатель" агар маслаҳат берувчи бўлса, халққа эмас, судгагина маслаҳат бериши мумкин. Шундай экан, мантиқан уни "халқ маслаҳатчиси" эмас, "суд машваратчиси" деб аташ жоиз бўларди. Муҳокама қилинаётган муаммони ҳал этиш чоғида улар ўз фикрини билдириш билан чекланиши керак, холос, ишни ҳал этишга асло ҳақли эмас.

Судда халқ вакиллиги зарур эканлигини инкор қилмоқчи эмасман. Бу хил вакиллик қадим-қадимдан баъзи мамлакатларда "присяжний"лар орқали таъминланган. "Присяжний" атамаси ўзбекчада "қасам ичганлар" тарзида таржима қилинади, аслида деярли барча мамлакатларда, шу жумладан, ўз ватани Англияда "жюри" деб номланади. Бу ҳақда биринчи марта 1166-йилда Англия қироли Генрих II чиқарган ордонансда ёзилган. Унга биноан йирик истиқомат жойларидаги ҳар юз нафар аҳолидан 12 киши мутасадди сифатида танлаб олиниб, уларнинг зиммасига ўша жойларда жиддий жиноятлар содир этган ва гумон қилинганлар ҳақида қирол судьяларига тегишлича ахборот бериб туриш мажбурияти юкланган.

(Давоми учинчи бетда)

2003 yil — Obod mahalla yili

Оқсоқоллар — маҳалла файзи

Umid nihollari — 2003

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР, МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР

Мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг Хоразм вилоятида ўтаётган **"Умид ниҳоллари — 2003"** спорт мусобақалари машъаласи Урганчнинг "Хоразм" марказий ўйингоҳида 14 майдан буён порлаб турибди. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими воҳанинг ана шу бош спорт саҳнасида бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг мусобақа иштирокчиларига йўллаган табриги ушбу маросимнинг бош воқеасига айланди. Маросимнинг ўзи эса мафтункор спорт байрами тусини олди. Театрлашган саҳналарда 10 мингдан зиёд истеъдодли ва истиқболли ёшлар ўзларининг бадиий ҳамда спорт маҳоратларини, кўргазмали чиқишларини намойиш этдилар. Байрам мушакбозлиги барча ўрин-диқларни тўлатиб ўтирган 30 минга яқин томошабинни ўзига ром этди.

Мусобақалар оммавий спортнинг 12 тури бўйича ўтказилаяпти ва унда 6,5 миллионли мамлакат ўқувчиларининг 2600 дан зиёд вакиллари ўз маҳоратларини намойиш этаяптилар. Ўзбекистон спортининг бўлажак юлдузлари номлари ўйингоҳлар узра ҳар куни жаранглаяпти. Урганчдаги "Авесто" боғи мажмуида ҳар куни ғолибларни шарафлаш маросими ва турли маданий дам олиш тадбирлари ўтказилаяпти. Спартакиада иштирокчилари учун қадимий Хива, обидалари ва воҳанинг бошқа диққатга сазовор жойлари бўйлаб мароқли сайр-саёҳатлар уюштирилаяпти. Замонавий меҳмонхоналар, маданият ва санъат кошоналари ҳам улар хизматида. Спартакиада доирасида турли тантанали тадбирлар ҳам ўтказилаяпти. Воҳа жамоатчилиги ва мусобақа меҳмонлари куни кеча яна бир ажойиб воқеанинг шоҳиди бўлдилар. Урганчда гўзал ҳамда салобатли бинолар, иншоотлардан иборат спорт шаҳарчаси — **"Олимпия заҳиралари"** коллежи мажмуаси тантанали равишда очилди.

Спартакиада дастуридаги мусобақалар эса вилоятнинг 17 та кўркам спорт иншоотлари, шу жумладан, 7 та тумандаги саҳна ва ўйингоҳларда қизғин давом этаяпти. Баҳсларнинг дастлабки 6 куни ортда қолди. Ҳакамлар ҳайъати ўйинларнинг 5 тури бўйича ўтказилган мусобақаларга якун ясади. Унга кўра жами 47 та очко жамғарган Тошкент шаҳри, 45,5 тадан очкога эга бўлган Хоразм ва Фарғона вилоятлари олдинги учта ўринни банд этиб туришибди. Қолган 7 тур бўйича ўтказилаётган мусобақалар ҳам шу бугун ниҳоясига етиб, Спартакиаданинг мутлақ ғолиблари номлари маълум бўлади.

Йил спорт байрамининг тантанали ёпилиш маросими ва ғолибларни шарафлаш ва мукофотлар: биринчи ўрин учун Президент совғаси — "Матиз" автомобили, иккинчи ўрин учун Хоразм вилояти ҳокимлигининг совғаси —"Дамас" автомобили, учинчи ўрин учун мусобақа ташкилотчилари ва ҳомийларнинг ажратмаси — компьютер жиҳозлари тўпламини топшириш маросими бугун "Хоразм" марказий ўйингоҳида ўтказилади.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

O'ZBEKISTON ва дунё: кеча, бугун, эртага

☑ *Президентимиз Ислом Каримов 15 май куни Оқсаройда Россия Федерациясининг "Андрей Первозванний" жамғармаси Васийлар кенгаши раиси Владимир Якунин раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.*

☑ *Давлат божхона қўмитасида республикамиз темир йўлларида божхона назоратини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.*

☑ *Тошкентдаги "Гранд-Орзу" меҳмонхонасида "Эндокринология хизматини ташкил этиш" мавзуига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.*

☑ *"Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Марказий Осиё XXI асрда: ҳамкорлик, шериклик ва мулоқот" мавзуида халқаро конференция ўтказилди.*

☑ *Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида "Журналистикани ўрганиш учун Америка маркази" очилди.*

☑ *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Темурийлар даври меъморчилиги археоматериаллари" мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.*

☑ *Сурхондарёда "Бойсун баҳори" II очиқ халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтмоқда.*

☑ *Тошкент Давлат юридик институтида пойтахт маҳаллалари хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирокида ҳуқуқий маърифат сабоқлари бўлиб ўтмоқда.*

Xabar

ҲУҚУҚШУНОСЛАР САФАРИ

Жорий йилнинг 12-15 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Давлат-ҳуқуқ, суд тизимини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш масалалари бўйича Кенгаш раиси, Тошкент Давлат юридик институти ректори М.Рустамбоев бошчилигида Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов, Ички ишлар вазирлиги Тергов бошқармаси бошлиғи А.Шарафутдинов, Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё ва Кавказ бўйича минтақавий раҳбари Г.Бюллер, АҚШ Юристлар ассоциациясининг Ўзбекистон бўйича раҳбари Р.Пейтон, юридик фанлар доктори Г.Маткаримовалар Грузияда бўлиб қайтишди.

Сафар давомида Грузия Олий суди раиси, Бош прокурори, Назорат палатаси раиси, Ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрловчи олий ўқув юрти раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувлар ўтказилди.

Шуниси муҳимки, Грузия оммавий ахборот воситалари ўзбекистонлик меҳмонларнинг сафарини батафсил ёритиб борди ва Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар тўғрисидаги фикрлар уларда ғоят катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Грузия вакиллари томонидан Президентимиз ташаббуси билан жиноий жазоларни либераллаштириш, судьялар ихтисослашуви борасида қилинган ишлар юқори баҳоланди, улар бу жабҳадаги тажрибаларимиздан фойдаланиш ниятида эканини билдирдилар. Жумладан, Грузия Олий суди раиси Л.Чантурия шундай таъкидлади: **"ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз бизнинг тажрибаларимиз билан қизиқишади. Ўз навбатида уларнинг кўплаб тажрибалари бизга ҳам маъқул келади. Икки дўст давлат, бу дўстона мамлакатлардаги ҳамкасбларнинг бундай ҳамкорлиги ҳуқуқий тизимни янада такомиллаштириш учун хизмат қилади"**.

Албатта, Грузия Ўзбекистон сингари собиқ иттифоқ республикалари орасида суд соҳасида қатор ютуқларни қўлга киритган давлатлардан ҳисобланади ва бунинг ўзига хос қатор сабаблари бор. Шундан келиб чиқиб, Грузия демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш борасидаги муҳим қадамни суд соҳасини ривожлантиришдан бошламоқда, десак, янглишмаймиз.

Сафар давомида ҳар икки мамлакат ҳуқуқшуносларининг ўзаро тажриба алмашиш учун эҳтиёж катта эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам Грузия Олий суди билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ўртасида янада яқин ҳамкорлик ўрнатиш борасида келишиб олинди. Ҳуқуқий ахборотлар алмашиш, биргаликда судьялар малакасини ошириш, тажриба ўрганиш учун ҳар икки мамлакат суди судьяларининг хизмат сафарларини йўлга қўйиш тўғрисидаги ахдлашув ана шундай ҳамкорликнинг бир босқичидир.

Рўзибой САИДОВ

Ajab savdolar

МУАЛЛАҚ ҚОЛГАН ДАЪВО

"Шерхон" хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасида ўтган йил 20 июндан 29 июнгача Сирдарё туман ДСИ назорат шўъбаси бош инспектори А.Қурбонов текшириш ўтказди. Вилоят давлат солиқ бошқармасининг 20 июндаги буйруғига асосан ўтказилган текширишда фирма 1993-2001 йиллар давомида солиқ қонунчилигига қандай риоя этгани кўриб чиқилиб, бир қатор камчиликлар аниқланди. Солиқлар ва йиғимлар уч йиллик натижалари бўйича далолатнома тузилди.

Далолатномага фирма раҳбари Т.Ҳошимов ва бош ҳисобчи Д.Холова имзо чекишди. Энг қизиғи шундан кейин чиқиб қолди. Далолатномадаги "фирма харажати 180,7 минг сўмга кўп кўрсатилган" деган ибора анча оворагарчилик келиб чиқишига сабаб бўлди. Айнан иборага эътироз йўқ, фақат ундан келиб чиқадиган оқибатлар турлича талқинга сабаб бўлмоқда. Яъни шунча харажатни ошириб кўрсатган бўлса, демак, фирма фойдани яширган ва ундан солиқ тўламаган бўлиб чиқади. Солиқ қонунчилигига биноан бундай ҳаракат жазоланади. Фақат, жазо қандай бўлиши керак?

Сирдарё туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи О.Бойқулов фирма фойдаси камайтириб кўрсатилган, деб жами 199,7 минг сўм солиқ объектига нисбатан юз фоизлик жарима қўллаб қарор чиқаради. Бунга асос қилиб, Солиқ Кодексининг 135-моддаси 4,5,8-бандлари келтиради. Ҳолбуки, ушбу турдаги қонунбузарлик ҳолатлари учун тегишли тўлов суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда молиявий жарима қўлланилиши назарда тутилган эди.

Моддий жаримани ундириш учун туман ДСИ томонидан фирманинг банкдаги ҳисоб рақамига инкасса талабномаси қўйилади. Шундан сўнг фирма раҳбари жазо қўлланилганидан хабар топади. Чунки далолатнома тузилгандан сўнг фирма раҳбари ва бош ҳисобчидан текширувчи тушунтириш хати олмаган ва солиқ идораси қарори билан улар таништирилмаган эди. Адлия бошқармаси текширув ҳужжатлари таҳлил қилинмасдан, мавжуд ҳолатларга қонуний ва холисона ҳуқуқий баҳо берилмасдан қарор қабул қилинган, деб ҳисоблади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 октябрдаги **"Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслардан солиқлар йиғимларини ундиришни тартибга солиш тўғрисида"**ги 483-сонли қарори иловасида қандай ҳолларда фойдани (даромадни) қасддан яшириш ва солиқ тўлашдан бош тортиш ҳолатлари мавжуд бўлиши қайд этиб ўтилган. Юқорида зикр этилган ҳолатларда даромадни (фойдани) қасддан яшириш аломатлари мавжуд бўлмаса-да, фойдадан кам ҳисобланган суммага 10 фоиз молиявий жарима ўрнига асоссиз 100 фоизли молиявий жарима қўлланилган. Текширувчи ўша харажатлар суммаси қандай ҳосил бўлганлиги, харажатлар суммаси қасдданми ёки эътиборсизлик оқибатида кўп кўрсатилганми, буларнинг сабаблари билан қизиқмаган. Мана шу фикрни мантиқан таҳлил қилиб кўринг. Солиқчи ва унинг ёрдамчиси бўлган банк ходими барча далилларни фирма ҳисобхонаси ҳужжатлари бўйича олиб боришган. Хўш, ҳисобхона ҳужжати орқали маълум бўлган ҳисобкитоб маълумотларини қасддан яширилган, деб айблаш мантиққа тўғри келармикан? Дарвоқеа, фирма раҳбари ва бош ҳисобчисининг харажатларни ошириб кўрсатиш эътиборсизлик оқибати бўлган деб ёзишлари мантиққа тўғри келади. Ахир, улар бир кун солиқчи сезмай ўтиб кетади, деб ҳужжатларни асраб ўтиришмагандир!

Натижада **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонун ва Солиқ Кодексининг талаблари бузилиб, "Шерхон" фирмаси ҳуқуқлари поймол бўлишига йўл қўйилди. Боз устига вилоят давлат солиқ бошқармаси ушбу далил-дастакларни эътиборга олишни истамади ва тақдимномага шундай жавоб йўллайди: "Солиқ Кодексининг 135-моддаси 3-бандига кўра даромадни камайтириш ёки харажатни кўпайтириб кўрсатиш каби ҳолатлар яширилган даромад деб баҳоланиб, солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг бутун суммаси ва яна шу сумма миқдорида, яъни 100 фоиз миқдорида жарима ундирилиши кўрсатилган. Юқорида акс эттирилган ҳолат, яъни текширувчи А.Қурбонов томонидан аниқланган 199,7 минг сўмлик даромадни камайтириб кўрсатиш каби камчиликлар айнан Солиқ Кодексининг 135-моддаси 3-бандида кўрсатилган ҳолатларга мос келади..."

Сиз, албатта ҳайрон бўласиз, чунки ДСИ қарорида айнан шу 3-банд йўқ эди-да. Бунга ҳам жавоб топишган. Давомини ўқиймиз: "Сирдарё туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи О.Бойқулов томонидан қабул қилинган молиявий қарор тўғри қабул қилинган, фақат қабул қилинган қарорга Солиқ Кодексининг 4,5,8-бандлари кўрсатилиб, мазкур моддани 3-банди кўрсатилмай қолган.

...О.Бойқуловга юқорида кўрсатилган қарорга ўзгартиш киритиш, яъни Солиқ Кодексининг 135-моддаси 3-бандини кўрсатиш юклатилди.

Ушбу камчиликларга йўл қўйган О.Бойқулов қаттиқ огоҳлантирилди..."

Энди хўжалик судига даъво аризаси киритишдан бошқа илож қолмаганди. Унда ДСИнинг 2002 йил 29 июндаги қарорини ўзгартириш ва ортиқча ундирилган суммани "Шерхон" фирмасига қайтариш сўралди. Хўжалик судининг шу йил 28 апрелдаги ҳал қилув қарорида ёзилишича, "Шерхон" ХИЧТФга жами 545200 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган. ДСИ қарорининг 1-бандида фойдадан кам ҳисобланган 199,7 минг сўмга 100 фоизли, яъни 238,4 минг сўм молиявий жарима қўлланган. Ваҳоланки, Солиқ Кодексининг 155-моддаси 4,5,8-бандларига кўра, қўлланиладиган молиявий жарима суммаси 10 фоиздан ошмаслиги керак. 100 фоизли молиявий жарима ушбу модданинг 3-бандида кўзда тутилган бўлиб, бунда фойдани яшириш қасддан содир этилган бўлиши керак. Лекин солиқ инспекцияси ходимлари "Шерхон" ХИЧТФ раҳбариятининг ушбу фойдани қасддан яширганлик ҳолатини тасдиқлаб беролмадилар ва қарор ҳам Солиқ Кодексининг 135-моддаси 3-банди қўлланиб қабул қилинмаган.

Яширилган 199,7 минг сўм фойда суммасидан 10 фоизлик жарима қўлланилганда, унга 31 фоиз, яъни 62 минг сўм солиқ ҳисобланиши, унинг 10 фоизи 6,2 минг сўм, кечиктирилган ҳар бир кун учун шу сумманинг 0,07 фоизи, яъни 35,9 минг сўм устама жарима ҳисобланиши лозим эди. Демак, қарорнинг 1-банди бўйича 238,4 минг сўм эмас, балки жами 103,1 минг сўм жарима ҳисобланиши керак бўларди. Шундай қилиб, суд жами ҳисобланган 545,2 минг сўм жариманинг 298,6 минг сўмини ноқонуний деб тогди. "Молиявий жарима суммаси 246 минг сўмга туширилди. Суд харажатлари даъвогарнинг розилигига кўра, ундан ундириладиган бўлди. Ишнинг энг ҳайратланарлиси, судда ДСИ вакиллари — шўъба бошлиғи Б.Жўраев ва назорат шўъбаси бош инспектори А.Қурбонов даъво талабларини тўлиқ рад этиб тушунтириш беришди. Бироқ уларнинг тушунтириши етарли бўлмаганлигини юқорида кўрдингиз. Воқеанинг давоми ҳам мана шу асосда бормоқда. ДСИ ўз қарорининг бир қисмини хато, деб тан олмоқчи эмас, даъвогарлар эса молиявий жариманинг бир қисмини ундиришдан умидвор.

Гофур ХОЛМАТОВ,
ҳуқуқшунос,
Абдулазиз ЯХШИЛИКОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Mohiyat

ДЕҲҚОН ВА ДАРОМАД

Баъзан кўча-куйда, тўй-гаштакда ҳар хил гап-сўзлар қулоққа чалинади. Уларнинг айримлари асосли бўлса, баъзилари бор-йўғи сафсата, холос. Бу эса ўз-ўзидан киши кўнглида мулоҳазалар туғдиради. Айтайлик, бугун юртимизда меҳнат қилаётган деҳқон бир йилда ўртача қанча даромад қилади?

Бу саволга жавобни андижонлик деҳқонларнинг умумий даромади ва харажати таҳлили мисолида излашга ҳаракат қилсак, қуйидаги манзара пайдо бўлади.

Ҳар бир оилавий хўжаликнинг ўртача саккиз сотих ери бор ва у жойдан деҳқон йил давомида икки марта ҳосил олади. Эрта баҳорда сабзи, пиёз, картошка экиб ўртача бир тонна яқин сабзавот етиштиради. Такрорий экинга маккажўхори ёхуд яна картошка, сабзи экиши мумкин. Картошканинг ўртача бозор нархини 300 сўм ҳисоблаб, икки ҳосил натижасида деҳқон икки тонна хирмон кўтаришини инобатга олсак, у бир йилда саккиз сотих ернинг ўзидан 600 минг сўм даромад қилади.

Қишлоқда яшовчи оилаларнинг камхаржроғида бир бош сигир, икки бош қўй, ўзига тўқ хонадонларда эса 2-3 бош қорамол ва 15-20 тадан қўй-эчки бор. Агар энг кам кўрсаткич деб битта сигир ва 2 та қўйи бор оилани назарда тутсак, бир йиллик бузоқ 150 минг сўм, 2 та қўзичоқ 50 минг сўм даромад келтиради.

Жамоа хўжалигида 400-500 гектар ерга буғдой экилиши ва 1000 нафар аъзоси борлигини ҳисобласак, ҳар кишига кам деганда ғалла ўримидан сўнг 10-15 сотих, айримларига ундан ҳам кўпроқ деҳқончилик учун қўшимча ер тегади. Бу майдонга деҳқон маккажўхори экса, ўртача 300 килограмм дон ва 200 боғ поя олади. Бу дегани 50 минг сўм даромаддир (бир килограмм маккажўхори донининг бозордаги энг арзон нархи ва бир боғ поянинг нархи 100 сўм). Шу ўринда ҳар бир кам таъминланган оила йилига ўртача 20 минг сўмдан кўпроқ моддий ёрдам олишини ҳам эсдан чиқармаслик лозим.

Пахта мавсумида жамоа хўжалиги аъзоси бир кунда ўртача 60 килограммдан пахта терса, унга 25 сўмдан нарх тўланса, бир ойда қўлига 45 минг сўм иш ҳақи тегади. Бу даврни икки ой муддат деб ҳисобласак, умумий даромад 90 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, буғдой ўримида ҳар жамоа аъзосига иш ҳақи ҳисобидан ўртача 500-600 килограмдан буғдой, 2-3 тонна сомон тегади. Бунинг даромадини пулга чақсак, ўртача 80-90 минг сўмга етади.

(Давоми иккинчи бетда)

"Пахтабанк"нинг Ширин шаҳар бўлими бошқарувчиси А.Ҳасанов шу йил 16 март куни шаҳар давлат солиқ идорасига хат жўнатади. Аниқроқ айтганда, мазкур хатда тадбиркор М.Абдураззоқова банкка савдо пулларини жуда кам миқдорда топшираётгани қайд этилган эди.

Dakki

УЧ КАРРА АДАШУВ

Ўз навбатида бу хат шаҳар давлат солиқ идораси бошлиғи Ш.Оқжигитов қўлига етиб келгач, у аввало уни чуқур ўрганиб, таҳлил этиб кўриши керак эди. Аммо бунга Ш.Оқжигитовнинг сабри чидамайди, у шоша-пиша хулоса чиқаради ва шаҳар ҳокими Ж.Бўтабоев номига тақдимнома киритади. Тақдимномада тадбиркор Муҳаббат Абдураззоқова ўн саккизинчи мартга қадар тўлиқ ишлаган бўлса-да, ўн етти кунга жами 43 минг 300 сўм нақд пул топширгани, бу ҳар бир савдо куни учун ўртача 2 минг 500 сўмданга тўғри келаётгани қайд этилади. Нақд пул тушумини ўз вақтида ва тўлиқ банкка топшириш борасида ўзгариш қилмагани сабабли Вазирлар Маҳкамасининг 407-сонли қарорига асосан М.Абдураззоқованинг савдо қилиш учун рухсат гувоҳномаси амал қилинишини тўхтатиб қўйишни сўрайди.

Шуни айтиш жоизки, Ш.Оқжигитов М.Абдураззоқова фаолияти юзасидан тақдимнома киритиш билан илк хатога йўл қўяди. Нега деганда, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарори билан тасдиқланган Низомда ҳафта мобайнида савдо айланмаси мавжуд бўлмаган ёки нақд пул тушуми инкассация қилиш қоидалари бузилган тақдирдагина рухсат гувоҳномасининг амал қилинишини тўхтатиб туриш белгиланган. М.Абдураззоқова ўн саккизинчи мартга қадар соғлиғи яхши бўлмагани учун кам савдо қилгани рост. Ўн саккизинчи мартдан ойнинг охирига қадар дўконнинг тўлиқ фаолият кўрсатгани учун кунига олти-етти минг сўмдан савдодан тушган пулларини ошириб, топширгани ҳам ҳақиқат. Кейинги кунларда савдонинг бароридан келгани, банкка топшириладиган кунлик пулнинг кўпайгани тадбиркорнинг соғлиғи яхши бўлмаган даврдаги "гуноҳлари"ни ювиб юборолмайди.

Шаҳар ҳокими ҳам ана шу тақдимномага асосланиб, шу йилнинг 1 апрелида 32-Ф сонли фармойиш чиқаради. Унда М.Абдураззоқовага савдо қилиш учун берилган рухсат гувоҳномаси 1 апрелдан эътиборан тўхтатиб қўйилиши қайд қилинади. Бундан ташқари, фармойишнинг учинчи бандида солиқ идораси бошлиғи Ш.Оқжигитовга савдо қилиш учун берилган рухсат гувоҳномалари тўхтатиб қўйилган юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини назорат қилиш топширилганди. Буни қарангки, шаҳар ҳокими Ж.Бўтабоевнинг фармойишида иккинчи хатога йўл қўйилади. Негаки рухсатноманинг тўхтатиб қўйилиш муддати фармойишда аниқ кўрсатилмаганди. Бу эса ўз навбатида шундай ҳақли саволни келтириб чиқаради: хўш, тадбиркор М.Абдураззоқова савдо қилиш ҳуқуқидан қачонгача маҳрум этилган?

Энди гапни солиқ идорасидан эшитинг. Ш.Оқжигитов фармойиш билан "қуроллангач", ҳузурига ходимларни чорлайди. Тадбиркор аёлнинг хусусий дўконини ёпишга топшириқ берилади. Шундай қилиб, солиқ идораси ходимлари С.Авазов билан И.Усмонов учинчи апрел куни дўкон эшигига муҳр уришади. Бу билан хусусий дўкон фаолиятини тўхтатиб қўйишда учинчи хатога йўл қўйилади.

Қандай қилиб дейсизми? Гап шундаки, Ш.Оқжигитов тақдимномасида савдо қилиш учун берилган рухсат гувоҳномалари тўхтатилиши кўрсатилган. Тадбиркорлик субъектларига бу ҳақда ёзма равишда маълум қилиниши керак эди. Шундан кейин ҳам тадбиркор савдо фаолияти билан шуғулланса, амалдаги қонун ҳужжатларига асосан жавобгарликка тортилишини эслатиб, дўконни муҳрлатиш лозим эди. Афсуски, қонуннинг ана шу оддий талаби эътиборсизлик, шошма-шошарлик оқибатида бузилади. Оқибатда, уч карра хатога ана шу тарзда йўл қўйилади.

Тадбиркорнинг хусусий дўкони саккиз кун ёпиқ туради. Ўтган ана шу кунларда М.Абдураззоқова каттагина миқдорда савдо тушумидан маҳрум бўлади. Шундан сўнг у Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг "Ишонч" телефонига қўнғироқ қилди, ёрдам сўрайди. Кейин уч карра адашув моҳияти ойдинлашади. Адлия бошқармаси томонидан асоссиз ёпилган дўкон эгасига очиб берилади.

Адлия бошқармаси ўз навбатида вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Ш.Мирзаев номига Ширин шаҳар давлат солиқ идораси ходимлари томонидан йўл қўйилган қонунбузилишни бошқарма тизимидаги идоралар ходимлари ўртасида муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, тадбиркор М.Абдураззоқованинг хусусий дўконини асоссиз равишда саккиз кун муҳрлаб қўйган солиқ идораси бошлиғи Ш.Оқжигитов, шунингдек, С.Авазов ҳамда И.Усмоновларнинг интизомий жавобгарлик маасаласини ҳал қилишни сўраб тақдимнома киритди.

Ҳуқуқ илмидан бохабар, қонунларни яхши билиб, унга амал қилган одам ҳеч қачон ер чизиб қолмайди. Мазкур воқеани баён этишдан мақсад — кимнингдир обрўсига рахна солиш, эътибор ва нуфузини пасайтириш эмас, аксинча, адашувлар қайта такрорланмаслигининг олдини олишдир.

Зокиржон ОТАБОЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид
ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

Bugunning gapi

ШАРТНОМА — ҚОҒОЗБОЗЛИК ЭМАС!

"Ер" Кодекси, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги қонунларда ердан фойдаланиш, уни ўзининг ҳақиқий эгаларига бериш жараёнининг ҳуқуқий асослари тўлиқ ўз аксини топган. Аммо шунга қарамасдан, жойларда хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, уларнинг давр талаблари даражасида иш олиб боришлари учун етарлича шарт-шароитлар яратиш борасида жиддий нуқсонларга дуч келинмоқда.

Мисол тариқасида айтсак, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судида 2002 йил давомида 258 та низо кўрилган бўлса, шундан фақат 40 таси тадбиркорлар даъволари асосида қўзғатилаган.

Ўз-ўзидан шундай табиий савол туғилади: нима учун тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар мутасадди идораларга ўз ҳуқуқлари бўйича кам мурожаат этишмоқда? Рўй-рост айтадиган бўлсак, бу ҳолга аввало тадбиркорларнинг ҳуқуқий савияси пастлиги сабаб бўлмоқда. Шу сабабли иш берувчи ва бажарувчи ўртасида тузилаётган контрактация шартномалари баъзи ҳолларда пала-партиш, юзаки ва биртомонлама тузилмоқда. Масалан, Нукус туманидаги машина-трактор парки ва "Шарапат" деҳқон-фермер хўжалиги ўртасида тузилган 36-сонли шартномада МТП томонидан юборилган техника воситаларининг бетўхтов ишлаши таъмин қилинмаган ҳолда хўжаликнинг маълум даражада зарарга қолиши мумкинлиги назарда тутилмаган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича тузилган шартномаларда тўпланган ҳосилнинг муайян қисми давлат буюртмаси асосида олиниши, қолгани эса эркин нархларда топширилиши айтилган-у, аммо эркин нарх ҳақида "ломлим" дейилмаган.

Хўжалик ва корхоналар ўртасида газ, электр энергияси, ёнилғи, сув, минерал ўғитлар таъминоти бўйича тузилаётган шартномалар ҳам кўпинча таъминотчи корхоналар манфаатини кўзда тутмоқда. Хўжалик табиий газ таъминоти бўйича имзоланган шартномага кўра, газ ҳақини ўз вақтида тўласа яхши, борди-ю тўлай олмаса, тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун устама ҳақ тўлашга мажбур бўлади. Хўш, корхона хўжаликка табиий газ етказиб бериш мажбуриятини бажармаган ҳолда қандай йўл тутилади? Бу саволга жавобан таъкидлаш жоизки, корхона ҳар қандай шароитда ҳам бундай жавобгар бўлмайди. Бу фикрнинг исботи сифатида "Беруний электр тармоқлари" корхонаси билан "Қоракўлчи" ширкат хўжалиги ўртасида тузилган шартномада корхонанинг электр энергияси етказиб бериш мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи ифода этилмаганини айтиб ўтиш мумкин.

Шунингдек, сув таъминоти корхоналари билан ширкат хўжаликлари ўртасида тузилган шартномаларда хўжалик сув ҳақини тўламаганлик учун жавобгар қилиб кўрсатилган. Сув таъминоти корхонаси эса хўжаликни сув билан етарли миқдорда таъминламагани учун ҳеч қандай жавобгар саналмайди. Фермер хўжаликларини сув билан таъминлаш бобида ҳам на қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, на ширкат хўжаликлари ўзларига бирор-бир мажбурият олган эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, контрактация шартномаларининг бажарилиши маълум жиҳатдан об-ҳаво ва бошқа табиий шароитларга ҳам боғлиқ. Шундай бўлса-да, шартномалар тузилиши жараёнида баъзан бу ҳолатлар ҳисобга олинмаслиги ҳам учрайди.

Хулоса ўрнида айтсак, шартномалар тузилиши ва уларнинг амал қилишида "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун ҳужжатлари асосий мезон вазифасини ўтамоғи лозим. Зеро, шартнома оддий қоғозбозлик эмас. Уни тўғри ва сифатли расмийлаштириш икки томонга ҳам фақат фойда келтиради.

Озод ҚАИПНАЗАРОВ,
ҳуқуқшунос
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Gazetxon xat yo'llabdi

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳатлар олиб борилгани ва бугунги кунда бундай туб ўзгаришлар ўзининг юксак самарасини бераётгани ҳар биримизни қувонтиради.

Шу билан бирга баъзи жойларда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Сизларга мурожаат этаётганимнинг сабаби шундаки, туманимизда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун талабларига риоя этилмаяпти. Аниқроқ қилиб айтганда, акциядорлик жамиятини бевосита акциядорларнинг иштирокида бошқариш тамойилига қатъий амал қилинмаяпти.

Гап шундаки, шу йилнинг 18 феврал куни туман ҳокимлиги раҳбарлари "Ғиждувон деҳқон бозори" очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раислигига акциядорлар умумий йиғилиши қарорисиз ҳамда кузатув кенгаши аъзоларининг розиликсиз кекса ёшли меҳнат фахрийсини тайинлашди. Бошқарувнинг янги раиси жамиятимизни бошқариш салоҳиятига эга эмаслиги иш жараёнида аён бўлиб қолди. Бу ҳолат бизни қаттиқ ранжитмоқда.

Биз акциядорлар жамиятимизнинг бошқарув раисини танлов асосида демократик йўл билан тайинланишини хоҳлаймиз. Бу борада бизга амалий ёрдам беришларингизни сўраймиз.

Акциядорлар номидан
С. СУЛТОНОВ

СИРДАРЁ

Adliya tizimi

Вилоят адлия бошқармасининг "Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш" бўлимларига тадбиркорлик субъектларидан шу йилнинг ўтган биринчи чорагида 76 та ариза-шикоят келиб тушди. Ариза-шикоятларнинг 56 таси қаноатлантирилди, 26 таси-га ҳуқуқий тушунтириш берилди. 10 та ёзма мурожаат тегишли бўйича мутасадди идораларга юборилди. 4 та тадбиркорларнинг аризалари мансабдор шахслар томонидан ҳал қилинмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Йилнинг биринчи чорагида бўлимлар томонидан судларга тадбиркорлар манфаатини кўзлаб, 121 та даъво ариза киритилди. Ана шу даъво аризалар туфайли жавобгарлардан 26995920 сўмлик маблағ ундириш кўзда тутилган.

Qonun va biz

МАСЪУЛИЯТ ВА ИШОНЧ

Балиқчи туманидаги "Қамбар ота" фермер хўжалигининг бошлиғи Насиба Ҳайдарова хўжалик аъзолари билан йил бўйи астойдил меҳнат қилди. Чунки у "Чинобод" ширкат хўжалиги билан 15 гектар ер майдонига пахта ҳамда 5 гектар ерга буғдой экиб, мўл ҳосил етиштириб бериш учун шартнома тузган эди. Ҳалол меҳнати туфайли фермер 30 тонна 430 килограмм буғдой ва 48 тонна 750 килограмм пахта ҳосили етиштирди ва уни хўжалик омборхонасига топширди. Лекин хўжалик раҳбарлари йил якунланса-да фермернинг шартномага биноан етказиб берган маҳсулотига ҳақ тўлашни ўйлашмади. Раис-у ҳисобчилар бунинг ўрнига фермерни сарсон қилишди.

Иш шу даражага етдики, фермер ўзининг қонуний ҳақини ундириб беришни сўраб Андижон вилояти адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Бошқарма ходимлари аҳволни чуқур ўрганиб, ҳақиқатда ҳам фермернинг ҳақини бермай, сарсон қилишаётганини аниқлашди. Шундан сўнг бу ҳақда вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суд мажлисида маълум бўлдики, икки хўжалик ўртасида солиштирма далолатнома тузилиб, унга биноан ширкат хўжалиги фермер хўжалигидан олинган буғдой бўйича 1 миллион 878 минг 140 сўм қарзини тан олган. Энди шартнома шарти вақтида бажарилмагани учун унга 34 минг 558 сўм устама қўшилади. Шунингдек, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 32-моддасига асосан ширкат хўжалиги ўз вақтида тўланмаган қарзнинг 15 фоизи миқдорида жарима ҳам тўлаши лозим. Хуллас суд ширкат хўжалиги фермерга 2 миллион 194 минг 419 сўм пул тўлаши ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Фермер хўжалиги томонидан етказиб берилган пахта ҳосили учун тўланиши керак бўлган ҳақ масаласи солиштирма далолатнома ва бошқа харажатлар фермер томонидан тақдим қилинмагани учун даъво аризаси ва суд муҳокамасига кирмай қолди.

Дарвоқе, ширкат хўжалиги раҳбарлари суд мажлисига келиш тугул вакил жўнатишни ҳам эп кўришмади. Шу ўринда суд ҳокимиятига бўлган бундай муносабат уларнинг беэътиборлиги ёки ҳуқуқий саводсизлигидан дарак берадими, деган савол туғилади. Ўйлаймизки, ширкат хўжалиги мутасаддилари бу саволга ўзлари жавоб топишади.

Бобур АБДУВОСИТОВ,
ҳуқуқшунос
Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ДЕҲҚОН ВА ДАРОМАД

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шундай қилиб, жамоа хўжалигида ишлаётган ҳар деҳқоннинг энг кам йиллик даромади чўтга солинганда 1-1,2 миллион сўмни ташкил этади. Бу эса ҳар ойда ўртача 96-100 минг сўмга тўғри келади. Машҳур инглиз ёзувчиси Жек Лондон ўз вақтида "синфдаги болаларнинг билимини энг паст ўзлаштираётган ўқувчининг савияси билан ўлчанг", деган фикрни айтган. Агар шу мулоҳазадан келиб чиқиб, деҳқонни юртимизда энг оз даромад қилувчилар тоифасига киритсак, бу ҳолда энг кам иш ҳақининг кўрсаткичи қанча экани аниқ бўлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу рақамларни ўзим қишлоқда яшаганим ва андижонлик деҳқонларнинг даромад ҳамда харажатларини яхши билганим учун келтириб ўтдим.

Дарвоқе, таҳлил маълумотига сигирнинг кунлик соғилажак сути, қаймоғи, товуқлар ва улардан олинадиган маҳсулотларнинг умумий қийматини қўшмадик. Чунки қишлоқда сут, тухум сотиш расм эмас.

Баён этилган мулоҳазадан кўзланган мақсад-муддао шуки, шижоатли ва интилувчан деҳқоннинг ўртача даромадини ойига 10-15 минг сўм дейиш тўғри эмас. Аниқроғи, айрим статистик маълумотларда кўрсатилаётган юртимиздаги деҳқонларнинг (улар мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилигини ташкил этади) йиллик ўртача даромадлари кўрсаткичи ҳақиқий аҳволга мос келмайди. Бу — бир томондан аҳолининг ўртача йиллик даромади кўрсаткичини тушириб юборса, айрим оғзига кучи етмаганларга «ғаройиб» важ топиб беради. Албатта, бу билан ҳамма деҳқонлар зўр даромад қилаяпти, турмуши фаровон демоқчи эмасмиз. Чунки айрим оилаларнинг ночор аҳволда рўзғор тебратаётгани ҳам бор гап. Лекин шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш зарур: бу ҳолга бошқалардан кўра уларнинг ўзи кўпроқ айбдор эмасми? Чунки ҳатто Андижондай аҳоли энг зич жойлашган вилоятда ҳам буғдой ўримидан сўнг гектарлаб ерлар бўш ётади. Бундай ерларда жамоа хўжалиги билан келишиб кузгача фойдаланиш, хоҳлаган экинни экиб, ҳосил олиш мумкин. Ишламайдиган, ялқов одамга эса бу гапни гапиришнинг фойдаси йўқ. Чунки баҳона топиш осон, меҳнат қилиш эса қийин.

Хулоса ўрнида айтсак, деҳқон даромадини ўн-ўн беш минг сўмлик ойлик маош мезони билан ўлчаш шўро тузумидан қолган эскича усул. Зеро, бугунги давр ойликка, маошга қараб ўтирадиган боқиманда кайфиятни эмас, балки ташаббус ва бунёдкорликни тақозо этади. Шу сабабли деҳқоннинг ойлик маоши, айниқса, унинг ўртача миқдори ҳақида гап кетганда, деҳқончиликдаги ялпи даромад ҳисобга олиниши жуда-жуда зарур. Ана шунда юрт фаровонлигини юксалтираётган миришкорлар шаънига ҳар хил маломат тошлари отилмайди. Зеро, деҳқонларга берилган баҳо барчага бирдек тааллуқли. Буни ҳеч қачон унутмаслик зарур.

Шуҳрат МУСАЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Mohiyat

Saboq

ТУГАЛЛАНМАГАН МАСАЛА

Фермерлик ҳаракати жамиятимиз ҳаётида мустаҳкам ўрнини эгаллагани бугун айни ҳақиқат. Лекин бу жараён осон кечаётгани йўқ. Аниқроғи, ҳали ҳам турли баҳоналар билан ўрта ва кичик тадбиркорлик субъектлари ишига тўсқинлик қилаётган масъул шахслар, мутасадди ташкилотлар онда-сонда бўлсада, учраб турибди. Бунга қўйидаги воқеа яққол мисол.

Янгийўл туманидаги У.Юсупов номидаги ширкат хўжалигида ижарачи бўлиб ишлаб келган Сойибжон Ғафуров яхши ниятлар билан фермер хўжалиги тузиш учун ариза берди. Эр йигитнинг қандайлигини эл билади, деганларидек, уста деҳқоннинг илтимоси қондирилди. Ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишининг 2002 йил 29 апрелдаги қарори билан С.Ғафуровга фермер хўжалиги ташкил этиш учун 20 гектар ер майдони ажратиб берилди. Энди туман ер ажратиш комиссиясининг хулосасини тасдиғи қолган эди, холос. Шу муносабат билан бўлғуси фермер хужжатларни жамлаб, 2002 йил 22 август куни туман ҳокимлигига ариза берди.

Туман ҳокимиятида уни жуда яхши кутиб олишди. Тез орада қарорни олиб кетиши мумкинлигини тушунтиришди. Йўл-йўлакай айрим ёр-дўстлари уни тадбиркорлар сафига қўшилгани табриклашга ҳам улгуришди. Бироқ орадан бир ойча вақт ўтса-да, қарордан дарак бўлавермади. Шунда Сойибжон яна туман ҳокимиятига ўнрашди ва ҳокимликнинг умумий бўлими томонидан ариза ҳамда ҳужжатлар ўз вақтидан жуда кеч, яъни 23 сентябр куни 1/27-463 рақам билан кирим қилинганини билиб ҳайратдан донг қотди. Кейин маълум бўлишича, ариза туман ер ажратиш комиссиясига эмас, балки туман ер ресурслари хизмати бошлиғи Н.Айтеновга берилган экан. Н.Айтенов эса фермернинг мурожаатига қарийб 4 ойгача жавоб беришни хаёлига ҳам келтирмади. Бу орада С.Ғафуров тинмай ҳокимиятга қатнади. Аммо бундан бирор-бир натижа бўлмади. Сансоларликдан тинкаси қуриган фермер охир-оқибат шу йилнинг 23 январ куни Тошкент вилояти адлия бошқармасига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Адлия бошқармасининг сўровига мувофиқ туман ер ресурслари хизмати раҳбари Н.Айтеновнинг ёзган тушунтириш хатида шундай жумлалар бор: "2002 йилнинг 23 сентябр куни У.Юсупов номидаги ширкат хўжалигида яшовчи С.Ғафуров фермер хўжалиги учун ер сўраб ариза билан мурожаат қилган. Хўжалик раҳбари Б.Султонов 24 декабр куни 29 апрелда хўжаликнинг умумий мажлиси бўлмагани тўғрисида маълумот бергани сабабли ушбу ариза тугалланмай қолган. Шу йилнинг 13 январ куни С.Ғофуровга жавоб хати берганман. Унда хўжаликка қайта мурожаат қилиш тушунтирилган".

Бу гапларни ўқиб "иш билгунча гап бил", деган киноямуз ибора эсга тушади. Чунки жавоб хати адлия ходимлари суриштируви бошлангандан кейингина ёзилганлиги аниқ. Шу ўринда Н.Айтеновнинг бу баҳоналарини оқлайдиган бир далилни келтириб ўтиш жоиз. Туман ҳокимининг тегишли қарори билан айнан У.Юсупов номидаги ширкат хўжалигининг 2002 йил 29 апрелдаги вакиллар йиғилиши қарорига асосан М.Яндашева ва М. Ашировларга фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонлари ажратилган, С.Ғафуровга эса йўқ...

Хуллас, Тошкент вилояти адлия бошқармаси шу йилнинг 20 феврал куни С.Ғафуровнинг аризасини қонун талаблари доирасида ҳал этиш ва аризани кўриб чиқишда йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ҳақида Янгийўл тумани ҳокими номига тақдимнома киритди. Ушбу масала юзасидан Янгийўл тумани ҳокимининг шу йил 13 мартдаги 302-рақамли қарорида бундай дейилган: "У. Юсупов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан фуқаро Ғафуров Сойибжонга боғдорчилик-деҳқончилик йўналишидаги фермер хўжалигини ташкил этиш учун 2-3 бригадалардаги 252,228,211-контурлардан 20,80 га ер майдони, шундан — 18,80 га суғориладиган, 2,0 га бошқа ер майдонларини 50 йил узоқ муддатга ажратиб бериш тўғрисидаги 2003 йил 11 мартда тузилган туман комиссияси хулосаси тасдиқлансин".

Шу тариқа фермернинг ҳуқуқи тикланиб, ер ўз эгасига олиб берилди. Шунингдек, Н.Айтеновга ҳам қонуний чора кўрилди. Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг шу йил 4 мартдаги қарори билан унга фуқаро мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузгани учун МЖТК нинг 43-моддаси билан энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида жарима солинди.

Шундай қилиб, С.Ғафуров мурод-мақсадига етди, Лекин Н.Айтеновга ўхшаш масъулиятни ҳис қилмайдиган мутасаддиларнинг эътиборсизлиги туфайли қанчадан-қанча одамларнинг мазкур иш билан шуғулланганги, фермерни сарсон қилганини кишини ўйлантириб қўяди. Шу сабабли, Тошкент вилояти адлия бошқармаси мазкур масала ниҳоясига етган бўлса-да, уни тугалланган деб ҳисобламайди. Зеро, унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳамон долзарб бўлиб турибди: жамиятимизда ҳуқуқий саводхонликни юксалтириш ва қонун устуворлигини таъминлаш узлуксиз жараёндир. Шу маънода баён этилган воқеа кўпчилик учун сабоқ вазифасини ўтайди, деган фикрдамиз.

Рустам ХУДОЙКУЛ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

Shartnoma qonunchiligi

СИЙЛОВГА... ЖАРИМА

"Ўздавнефтгазинспекция" ташкилотининг Самарқанд вилояти бўлими ходимлари "Пулот" хусусий фирмасига қарашли Пастдарғом туманидаги "Бешқаҳрамон" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчасида нефт маҳсулотларининг сифат ва миқдор сақланиши юзасидан текшириш ўтказишган. Аниқроғи, автобензин ёқилғисидан унинг таркибини аниқлаш учун намуна олиниб, кимёвий лабораторияда таҳлилдан ўтказилганда маҳсулотнинг сифатсизлиги аниқланган ҳамда текшириш якунлари бўйича хусусий фирмага нисбатан 956 минг 160 сўм молиявий жарима қўлланилган.

Бу хабарни эшитган айрим автоулов эгалари "Ажаб бўлибди, виждонсизликнинг жазоси шу-да", дейишган бўлса, ажаб эмас.

Лекин хусусий фирма раҳбари А.Қурбонов бундай гап-сўзларга асло эътибор бермади. Аксинча, вилоят адлия бошқармасига ўзи бошлиқ фирмага ноқонуний равишда жарима солингани тўғрисида мурожаат қилди.

Маълум бўлдики, шаҳобчада текшириш назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш режа-жадвали ва "Ўздавнефтгазинспекция"нинг Самарқанд вилояти бўлими бошлиғи томонидан шу йилнинг 3 феврал куни чиқарилган 003/Б-сон буйруғига асосан ўтказилган. Дастлаб миқдори 3.985 литр "А-72" автобензин ёқилғисидан таҳлил учун намуна олинган. Ёқилғининг сифати 393-177-1999-рақамли техник шартга мос келиши, колбадаги қолдиқ меъёр бўйича 1,5 фоизни ташкил этиши керак эди. Лекин текшириш чоғида колбадаги қолдиқ 6,2 фоиз экани аниқланди. Шаҳобча ходимлари 3 феврал куни "А-72" автобензиндан назорат намунасини олиб қўйган эди. Шу боис хусусий фирма 10 феврал куни 3-сонли хат билан "Ўздавнефтгазинспекция"га кимёвий лаборатория орқали ана шу ёқилғи намунасининг сифатини таҳлилдан ўтказиб, тегишли хулоса беришни сўраб. мурожаат этди. Мурожаатга асосан "Ўздавнефтгазинспекция"нинг Самарқанд вилояти бўлими ходимлари Д.Бахриддинов ва А.Риков, Самарқанд стандартлаш ва метрология бошқармаси давлат назоратчиси Ш.Тожиев, хусусий фирма шаҳобчаси бош оператори Д.Худойбердиев ҳамда Нуробод нефт маҳсулотлар корхонаси лаборанти И.Пардаевлар енг шимариб ишга киришишди. Назорат намунаси таҳлилдан ўтказилганда колбадаги қолдиқ 12,0 фоизни ташкил этаётгани аниқланади. Тартибга кўра нефтбазадан тарқатилган маҳсулот намунаси унинг кимёвий лабораториясида муайян муддат сақланади. Шу сабабли ушбу назорат намунасининг иккинчи нусхаси ҳам у ерда бор. Иккинчи нусханинг фракцион таркиби аниқланганда колбадаги қолдиқ 1,5 фоиз ўрнига 3,0 фоизни кўрсатади. Демак, маҳсулот 393-177-1999-рақамли техник шартга мос эмас, сифатсиз. Шунингдек, шаҳобчадан намуна ҳам, Нуробод нефт маҳсулотлари корхонаси сақланаётган иккинчи нусха қолдиқлари кўрсаткичлари ҳар хил бўлгани билан ана шу техник шарт талабларига жавоб бермайди. Шундай бўлса-да, "Ўздавнефтгазинспекция"нинг Самарқанд вилояти бўлими ходимлари Д.Бахриддинов ва А.Риковлар томонидан ўтказилган текшириш якунлари бўйича хусусий фирмага 956 минг 160 сўм миқдорида молиявий жарима солинди.

Ҳолбуки, "Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 26-моддаси ҳамда тарафлар ўртасида 2003 йил 3 январда тузилган 120-сонли шартноманинг 4.2 бандида маҳсулот етказиб берувчи ташкилот маҳсулотининг сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлиши учун жавобгарлиги белгиланган. Шунга асосан жарима хусусий фирмага эмас, балки сифатсиз маҳсулот етказиб бергани учун Нуробод нефт маҳсулотлари корхонасига қўлланилиши лозим эди. Шундан келиб чиқиб, адлия бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"ги 57-сонли қарорининг 7-бандини қўллаб, "Ўздавнефтгазинспекция"нинг Самарқанд вилояти бўлими бошлиғи номига "Пулот" хусусий фирмасида ўтказилган текшириш якунлари бўйича хусусий фирмага нисбатан қўлланилган молиявий жаримани бекор қилиш, сифатсиз маҳсулот етказиб бергани учун жаримани Нуробод нефт маҳсулотлари корхонасига нисбатан қўллаш, ноқонуний жарима қўлланган айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилишни сўраб тақдимнома киритди.

Яқинда тақдимномага жавоб келди. Унда маълум қилинишича, тақдимномага асосан "Пулот" хусусий фирмасига қўйилган иқтисодий жарима бекор қилинган. Сифатсиз автобензин тарқатгани учун Нуробод нефт маҳсулотлари корхонасига 956 минг 160 сўм молиявий жарима қўлланилган.

Хуллас, жарима нефт маҳсулоти етказиб берувчиларга яхши "сийлов" бўлди. Улар энди бу "сийлов"дан керакли хулоса чиқаришлари тайин.

Ориф ЭЛМУРОДОВ,
ҳуқуқшунос

ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ

ЁКИ УНГА ҚЎЙИЛГАН ҚОНУНИЙ ТАЛАБЛАР ХУСУСИДА

ИККИНЧИ МАҚОЛА

Жиноят Кодексининг 66-моддаси айбдорни ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш масаласига бағишланган. Жавобгарликдан озод қилишнинг ушбу тури амалдаги жиноят қонунчилигига янги киритилган бўлиб, у ўзида инсонпарварлик тамойилини ифодалайди. Унга мувофиқ қуйидаги асосларнинг мавжудлиги шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш имконини беради:

1. Содир этилган қилмиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят бўлиши лозим.

Маълумки, Жиноят Кодексининг 15-моддасида жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик хусусиятига қараб ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ҳамда ўта оғир бўлган жиноятларга бўлинади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

2. Шахс жиноятни биринчи марта содир этган бўлиши лозим.

3. Жиноят туфайли бирон-бир зарар келиб чиққан бўлса, зарарни ўз ихтиёри билан бартараф қилган бўлиши зарур. Етказилган зарарни бартараф этиш зарарни ўз кучи билан бартараф этишда ёки моддий зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёхуд кўпчиликнинг олдида жабрланувчидан узр сўрашдан иборат. Жиноят орқали етказилган зарарни бартараф этиш айбдорнинг жиноят туфайли келиб чиққан салбий оқибатларни жиноятгача бўлган ҳолатига қайтариш учун ўз куч-ғайратини аямай ёрдамлашганида ифодаланади.

4. Қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, айбини бўйнига олиб, ўз ихтиёри билан келган ёки арз қилган ва жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлиши лозим. Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш деганда, шахснинг жиноят содир этганидан сўнг ўз айбига иқрор бўлиб, жиноятни очишга ва келтирилган зарарни бартараф қилиб жиноятнинг очилишига, айбланувчиларни топишга ёрдам берадиган фаол хатти-ҳаракати тушунилади. Айбини бўйнига олиш жиноятни содир этган шахснинг ўз жиноий қилмишидан сўнг ҳокимият идоралари ёки расмий шахсларга ихтиёрий мурожаат қилиб, содир этилган жинояти тўғрисида тўғри хабарни етказиши ва қонунда белгиланган жавобгарлик чораларини ўташга тайёр эканини билдиради.

Мазкур шахсни Жиноят Кодексининг 66-моддасига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шахсни ушбу модда билан жавобгарликдан озод қилиш жиноятга тайёргарлик кўриш, суиқасд босқичи ёки иштирокчиликда айбланаётган шахсларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин.

Жавобгарликдан озод қилишнинг навбатдаги тури шартли ҳисобланиб, Жиноят Кодексининг 67-моддасига кўра, жиноят содир этган шахс ҳукм чиқарилганга қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий касаллика чалиниб қолган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Агар шахс ақли расолик чоғида жиноят содир этган бўлса-ю, бироқ ҳукм чиқарилгунга қадар ўз қилмишини англаш ва бошқариш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касаликка чалинган бўлса ҳам унга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Жиноят содир этган шахслар суд қарорига қадар руҳий касаликка чалинганларида улардаги руҳий ҳолатга қараб тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилади.

Жавобгарликдан озод қилишнинг ушбу тури шартли ҳисоблангани боис қонун озодликдан сўнг содир этилган жиноятга мувофиқ жавобгарлик чорасини қўллашнинг шарти сифатида шахснинг соғайиб кетишини белгилайди. Бироқ мазкур чора шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг муддати ўтиб кетмагани ҳолатларда қўлланиши мумкин.

Суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсга нисбатан муддати ўтганлик мазкур тадбирлар жорий этилган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

Ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш — Ўзбекистон жиноят қонунчилиги тарихида янги қоида бўлиб, Олий Мажлиснинг 2001 йили 29 августдаги қонуни билан Жиноят кодексга 66-модда сифатида киритилган. Ушбу меъёр жиноий ҳуқуқий муносабатларда инсонпарварлик ва одиллик тамойилини намоён қилиб, қонунда белгиланган шартлар мавжуд бўлганида жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартибини белгилайди. Ярашиш жабрланувчи билан ўзига хос келишув бўлиб, бу ярашув (келишув), энг аввало, жабрланувчи айбланувчини кечирганлигида ифодаланади. Шахсга жиноий жавобгарликдан озод этишнинг ушбу турини тадбиқ этиш учун қуйидаги қонуний талаблар мавжуд бўлишини тақозо этади: Биринчидан, қонунда ярашувчанлик қўлланиши мумкин бўлган моддалар қатъий белгиланган бўлиб, Жиноят Кодексининг 66-моддасига мувофиқ фақат Жиноят Кодекси махсус қисмининг 26-та моддасига нисбатан ярашувчанлик қўлланиши мумкин. Демак, ушбу моддада белгиланмаган бирон-бир моддага ёки қисмга нисбатан ярашувчанлик қоидасини тадбиқ этиб бўлмайди.

Белгиланган ушбу моддалар ёки қисмлардаги жиноий қилмишларнинг ҳаммаси ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кириб, уч йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини назарда тутади.

Иккинчидан, шахс юқоридаги жиноятларни биринчи марта содир этган бўлиши шарт. Қонунчилик илк маротаба жиноят содир этган шахсни жиноий ҳаётга адашиб кирган ва жамият учун ижтимоий хавф туғдирмайди деб топиб, уни "тиканли сим ортидаги ҳаёт"нинг салбий таъсирларидан сақлаб қолиш мақсадини кўзлайди.

Учинчидан, шахс ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашиши ҳамда етказилган зарарни бартараф этиши лозим.

Бекзод ЁҚУБОВ,
Акром АҲЛИМИРЗАЕВ,

Huquqiy ma`rifat

ЭЪТИРОЗ МУДДАТЛАРИ

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш муддатларининг яна бири эътироз муддатларидир. Эътироз муддатлари иккинчи шахсга нисбатан ҳуқуқли шахснинг, ундан улар ўртасидаги муносабат натижасида вужудга келган келишмовчиликни бартараф этиш вақтини белгилайди. Одатда, эътироз муддатлари низога сабаб бўладиган келишмовчиликларни фуқаролик судлари ёки хўжалик судларигача ҳал қилиш усули ҳисобланади. Аниқроқ айтганда, эътироз муддатлари даъво қўзғатишгача давом этади.

Фуқаролик ҳуқуқида бундай муддатларнинг мавжуд бўлиши фуқаролик, хўжалик ишлари ҳамда процессуал ҳаражатларни камайтириш, бузилган фуқаролик ҳуқуқларининг тикланишини тезлаштириш билан боғлиқ. Эътироз муддатлари тарафлар ўртасида низо бўлмаган, балки юзага келган келишмовчилик очиқ-ойдин кўриниб турганда ва бузилган ҳуқуқни тиклаш масаласи ўзаро келишув орқали амалга оширилиши мумкин бўлган ҳолларда қўлланилади.

Эътироз муддати давомида ҳуқуқи бузилган шахс ҳуқуқни бузган томонга ёзма ҳужжат шаклида ўз талабларини жўнатади ва бу талабларнинг қулай муддатларда бажарилиши лозимлигини баён этади. Эътироз олган томон тегишли муддат ичида эътирозда белгиланган талабларнинг бажарилиши натижаларини ёзма равишда эътироз билдирган томонга маълум қилиши лозим.

Умумий қоидага мувофиқ эътироз муддатлари қонун ҳужжатларида белгиланади ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ улар ўртасида тузилган шартномада ифодаланади. Масалан, Фуқаролик кодексининг 724-моддасига биноан, юк йўқолгани, кам чиққани ёки шикастлангани учун транспорт низоми ёки кодексида назарда тутилган тартибда талаб қўйилади ва юк ташувчи бу талаб (эътирозга) 30 кунлик муддат ичида жавоб қайтариши лозим. Ёки пудрат шартномасида тарафлар иш натижаси юзасидан иш қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб икки ой муддат ичида билдиришлари мумкинлигини келишиб олишлари мумкин.

Эътироз муддатлари кўпчилик ҳолларда юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда қўлланилади. Бошқача айтганда, эътироз билдириш муддатлари шартномалар бўйича олинган мажбуриятлар қарздор томонидан бутунлай ёки лозим даражада бажарилмаганда ташкилотларнинг бир-бирига талабларини билдириш учун белгиланган муддатлардир. Ташкилотлар ўртасидаги кўпчилик ҳуқуқий муносабатларда низоларни ҳал қилиш учун эътироз билдириш тартиби белгиланган.

Баъзи ҳолларда эътироз муддатлари фуқаролар ўртасидаги фаолиятлик-ҳуқуқий муносабатларда ҳам қўлланилиши мумкин. Амалиётда бу ҳолат кам учраса-да, лекин фуқаролик қонун ҳужжатлари эътироз муддатларининг фуқаролар ўртасидаги муносабатларда қўлланилишини тақиқламайди. Фуқаролар билан юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда эса эътироз муддатлари татбиқ этилиши табиий ҳол саналади. Чунки фуқаролар юридик шахслар билан олди-сотди, иш бажариш ва хизмат кўрсатишга оид шартномавий муносабатларга киришишларида оммавий шартномаларда белгиланган эътироз муддатлари амал қилади.

Маълумки, эътироз қилиш ҳуқуқи бузилган шахснинг субъектив ҳуқуқи бўлиб, ҳуқуқи бузилган шахс хоҳиш-иродасига биноан, амалга оширилади. Лекин баъзи ҳолларда эътироз қилиш ҳуқуқи бузилган шахснинг мажбурияти ҳам ҳисобланади. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларда, шартномада белгиланган муддат мобайнида эътироз қилиниши лозим. Белгиланган муддатда эътироз билдирмаслик, фуқаролик судлари ва хўжалик судлари томонидан даъвонинг кўрмасдан қолдирилишига ва ишнинг қайтарилишига сабаб бўлади. Масалан, ташувчига нисбатан юк ташишдан келиб чиқадиган даъвони қўзғатишдан олдин, унга тегишли транспорт уставида ёки кодексида назарда тутилган тартибда талаб қўйилган бўлиши шарт (ФКнинг 724-моддаси 1-қисми).

Хуллас, эътироз муддатлари амалиётда кам учраса-да, улар фаолиятлик ҳуқуқларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Нурилло ИМОМОВ,
ҳуқуқшунос

САВОЛ БЕРИНГ!

Уни хат ҳамда 136-72-37, 133-84-50 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

САВОЛ: *Фарзандларимдан бирини 1998 йилда уйлантирдим. Аммо келиним олти ойлик бола билан 1999 йилда отасиникига кетиб, ўғлим билан ажрашди. Фарзандимга қишлоқ жойда иш йўқлиги сабабли набирамнинг нафақа пулини ўз нафақамдан тўлаб келаман (1-гуруҳ ногирони бўлганим учун 20 минг сўм нафақа оламан). Ўғлим ҳозир бошқа аёлга уйланиб фарзанд кўрган. Аммо ҳалиям ҳеч жойда ишламайди. Оиладаги саккиз жонни боқиш, бундан ташқари, яна бирига нафақа тўлаш яшаш шароитимизни оғирлаштириб қўймоқда.*

Ўша ажралишган келиним бошқа эрга тегиб кетгани ва ўғлимнинг ишламаслигини инобатга олиб, неварамга тўланаётган нафақа миқдорини камайтириш ёхуд озод этиш мумкинми? Шу хусусда бизга маслаҳат берсангиз?

Норбек АБДУНОРОВ

ЖАВОБ: Ўғлингиз ажрашаётган пайтда алимент тўлаш учун қарор чиқарган, яъни ўзи яшаб турган туман судига алимент миқдорини камайтириш ёки алимент тўлашдан озод қилишни сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Суд ўғлингизни яшаш шароитини ўрганиб, Оила кодексининг 105-моддасига мувофиқ алимент миқдорини камайтириши ёки алиментдан озод қилиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу кодекснинг 146-моддасига биноан алимент миқдорини ўзгартириш ёки алимент тўлашдан озод қилиши мумкин. Ушбу моддага мувофиқ "алимент миқдорини суд тартибида белгиланган кейин тарафлардан бирининг моддий ёки оилавий аҳволи ўзгарса, суд уларнинг ҳар бирининг талабига кўра алиментнинг белгиланган миқдорини ўзгартиришга ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахсни алимент тўлашдан озод қилишга ҳақли. Алимент миқдорини ўзгартиришда ёки уни тўлашдан озод қилишда суд тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларини ҳисобга олишга ҳақли.

Бу ҳолат учун алимент тўлашга масъул шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда моддий аҳволи ёмонлашган ва оилавий аҳволининг жиддий ўзгариши асос қилиб кўрсатилиши лозим.

Бу борада сиз судга ариза билан мурожаат қилинг.

Саволга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.



Mitti maslahat

ЭМАНСИПАЦИЯ НИМА?

Меҳнатга ёшликдан меҳр қўйганга нима етсин?! Ўрганган ўзига, меҳнат орқасидан топгани оилага мадад. Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаши мумкин эканлигини ҳамма яхши билади. Аниқроқ айтганда, вояга етмаган бола ота-она, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиш эмансипация деб аталади.

Эмансипация ота-она, фарзандликка олувчи ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик идорасининг қарорига мувофиқ ёхуд суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ишчи ишлаб чиқаришда, меҳнат жараёнида эътиборсизлик ёки беҳосдан хатоликка йўл қўйиши, мажбуриятлари бўйича зарар келтириш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Агар эмансипация қилинган вояга етмаган шахс бундай хатоликка йўл қўйиб зарар келтирса, ота-она, фарзандликка олувчи ва ҳомий жавобгар саналмайди.

Азиза ДЎСТОВА,
ҳуқуқшунос

Jinoyat va jazo

Ўтган йилнинг куз ойлари эди. Кутилмаганда Қўчқор Холматовнинг елкасига "бахт қуши" қўнди. Омад деб шуни айтса керак-да: у Сурхон воҳасига довруғи кетган Кумқўрғон туманидаги «21-сонли автокорхона» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раҳбари лавозимига сайланди. Лекин автокорхонада аҳвол кўнгилгидек эмас, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақидан 6.932 минг сўм қарз бўлиб, шундан 1.400 минг сўми муддати ўтган қарз эди. Шунинг учун корхона жамоаси уни илиқ қарши олган, «энди раҳбардан ёлчисак керак. Иш ҳақимизни вақтида оламиз. Қўчқор ака корхона довруғини яна баланд кўтаради», деб ўйлашганди.

Янги бошлиқнинг мақсад-муддаоси эса бошқача эди. У раҳбарлик лавозимида иш бошлаган дастлабки куниданоқ нафсининг измига кирди. "Тили маҳкам, садоқатли шериклар топишим керак. Бир ўзим катта пул топишда қийналиб қоламан", деган ўй унинг фикру хаёлини батамом банд этиб олди.

мўминов Шеробод туманидаги "Тараққиёт ЛТД" масъулияти чекланган жамият раиси лавозимида ишлар, автокорхонанинг бир қисм акцияларини сотиб олгани учун қузатув кенгаши аъзоси ҳам эди. Унинг укаси Турсунбой Эрмўминов эса автокорхонада бош ҳисобчи лавозимида ишларди.

Ана шу суҳбатдан сўнг ора-

ТАКОМИЛ ЗАРУРАТИ

Nuqtai nazar

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Судьялар эса бу ахборот асосида текширув ўтказиб, айбдорларга жазо тайинлашган. Йиллар ўтиб, жюрининг берган ахбороти қирол судьялари амалиётида ҳақ гап – вердикт (лотинча – vere dictum) ҳисоблана бошлаган. Шу зайл жюри воқелик ва уни содир этган шахс тўғрисида қатъий фикр билдирган, судья эса уларнинг фикрига таяниб, айбдорларни жазолаш билан чекланган.

Суд ишларини кўришда бу хилдаги мумтоз жюридан фойдаланиш кўп сарф-харажат талаб қилиши ва мураккаблиги сабабли кўп мамлакатларда ундан воз кечилган: Нидерландия (1838), Венгрия (1919), Германия (1924), Италия (1931), Франция (1945), Греция (1968) ва бошқалар. Жюри ўрнига оғир жиноят ишлари бўйича судьялар таркибини кенгайтириш, аҳолидан юридик малакаси бўлмаса-да, ҳаёт тажрибасига эга вакиллар киритиш маъқул топилмоқда. Чунончи, ҳозирда суд ҳайъати Германияда 3 судья, 2 вакил (шеффен)дан, Францияда 3 судья, 9 вакил (ассистор)дан, Италияда 2 судья, 6 вакил, Финляндияда 1 судья, 5 вакил, Грециядa 3 судья, 4 вакил, Швецияда 4 судья, 3 вакил, Австрияда 2 судья, 2 вакилдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, баъзи мамлакатларда аҳолининг суд таркибидаги бундай вакили одатда судья билан тенг овозга эга эмас. Масалан, Данияда 3 судья ва 12 вакилдан иборат суд таркиби, жиноят иши кўрилиб бўлгач, алоҳида-алоҳида маслаҳатлашади, судланувчини айбдор деб ҳисоблаш учун камида 2 судья ва 8 вакил айрим-айрим овоз бериши лозим. Сўнгра улар биргаликда жазо меъёрини белгилашади. Бу масалани ҳал этишда бир судья 4 овозга эга. Бир қатор мамлакатларда эса суд таркибига аҳолидан вакиллар киритилмаган, жиноят ишларини судья якка тартибда кўриб ҳал қилади. Япония ва айрим мамлакатларда оғир жиноятларни 3 ёки 5 нафар судьялар ҳайъати кўради. Дарҳақиқат, одил судловни якка ҳолдами, ҳайъатдами, бундан қатъи назар, фақат судьялар амалга ошириши шарт. Бу ўта жиддий масаланинг тақдирини "заседатель" ва "жюри" кабиларга топшириб қўйиш ўринли эмас.

Ҳеч кимни бошқаларга, хусусан, судьяларга фикр билдиришдан маҳрум этиб бўлмайди. Шунга кўра жюри таркиби чекланган эмас ва одатда сайловчилар рўйхати бўйича белгиланади. Рўйхатдан ёши, жисмоний ва руҳий соғломлиги, маълумоти, судланганлиги кабилар жиҳатидан баъзи шахслар истисно қилинади, холос. Мазкур тартиб, менимча, анча афзалликларга эга ва демократик талабларга тўла жавоб беради.

Ҳозир қонунга кўра, бизда халқ маслаҳатчилари аҳолининг ишлаш, ўқиш ва яшаш жойидан очиқ овоз бериш йўли билан 2,5 йил муддатга сайланган 25 ёшга тўлган, ҳарбий судлар учун — ҳарбий қисмлардан очиқ овоз бериш йўли билан сайланган эндигина 18 ёшга тўлган, аксарият юридик маълумотга эга бўлмаган фуқаролардан иборат. Уларнинг кўпчилиги ҳаёт тажрибасига, меҳнат стажига, маълумот даражасига эга бўлмаса-да, судья билан тенг мавқеда жиноят ишларини кўриб ҳал қилиши — адолат жиловини уларга топшириб қўйилиши, менимча, мақсадга мувофиқ эмас.

Муаммонинг яна бир нозик жойи бор. Судьялар, шу жумладан, туман судьялари, — Конституциямизнинг 112-моддаси 4-қисмига биноан, — сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Бу қатъий талаб судья билан тенглаштирилган халқ маслаҳатчиси ҳам бирдек тааллуқли бўлиши керак, деб ўйлайман.

Халқ маслаҳатчиларини иш кўришга судья ўз хоҳишича жалб қилади. Яъни кимни суд таркибига киритиш судьяга боғлиқ. Бу эса судьянинг ишни гўё ҳайъатда кўргани, чиқарилган ҳукм учун ҳар уччала судья масъул эканини билдиради. Маслаҳатчилар ҳар бир иш бўйича жюри сайлаш тартибига ўхшаш, холисона қуръа ташлаш йўли билан танланиши, бунда айбловчи ва ҳимояланувчи тарафларнинг хоҳишини ҳам эътиборга олиниши даркор. Ҳатто бу хил холислик кафолати ҳам қонунда алоҳида қайд этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Суд амалиётида маслаҳатчиларга оид яна бир қанча ҳал этилмаган ташкилий, ахлоқий, ҳуқуқий ва иқтисодий муаммолар борки, уларни батафсил муҳокама этилиши ва оқилона ҳал этилиши — ватанимизда одил судловнинг самарадорлигини таъминлашга ҳисса қўшар эди.

Ғофур АБДУМАЖИДОВ,
профессор

ИСПАНИЯ:

СУД ВА ПРОКУРАТУРА ТИЗИМИ

Jahon tajribasi

Қироллик тузумига асосланган Испания давлатида ҳокимият уч қисмга, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига ажратилган.

Қонунчилик ҳокимияти бош Кортес (Парламент) ҳисобланиб, уни депутатлар конгресси ва Сенат ташкил этади. Ижро этувчи ҳокимият эса Испания ҳукумати саналади.

Мамлакатда суд ҳокимияти Испания қироли номидан фаолият юритиб, у судьялар ва магистрлардан иборат. Конституцияга асосан, улар мустақил ва фақат қонунга бўйсуниши белгилаб қўйилган. Яна судьяларга давлат ҳокимияти бошқарув идораларининг қонуний иш фаолияти бўйича назоратни олиб бориш ваколати берилган. Бошқача айтганда, ижро ҳокимияти идоралари судлар олдида ҳисобот беради.

Умумий юрисдикция судларининг юқори бўғини Испания Олий суди ҳисобланади ва унинг раиси суд ҳокимияти Бош Кенгашининг тақдимига биноан, қирол томонидан тайинланади. Суд ҳокимиятининг Бош Кенгаши суд ҳокимияти соҳасидаги ишларни бошқариб турадиган алоҳида идора сифатида ташкил қилинган. Суд ҳокимиятининг Бош Кенгаши таркиби Олий суд раиси ва қирол томонидан беш йил муддатга тайинланадиган йигирма нафар аъзодан иборат. Бош Кенгашнинг яна ўн икки нафар аъзоси судьялар ва магистратлар ичидан танлаб олинади. Қонунчиликдаги белгиланган тартиб бўйича ушбу кенгашга яна парламентнинг ҳар бир палатаси депутатлари таклифи билан тўрт нафардан саккиз нафар аъзо тайинланади. Парламент томонидан кўрсатилган аъзолар ўз навбатида камида ўн беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган адвокатлар ва ҳуқуқшуносларнинг бўлиши талаб қилинади.

Мамлакатдаги махсус юрисдикцияли суд Испания қиролигининг Конституциявий суди ҳисобланади. Испания Конституциявий суди ўн икки аъзодан иборат бўлиб, барчаси қирол томонидан тайинланади. Конституциявий суд аъзолари асосан судья, прокурорлар, олимлар, давлат хизматчилари ва адвокатлар орасидан танланади.

Конституциявий судга раис раҳбарлик қилади. Суд раиси Конституциявий суд пленумининг тақдимига биноан, уч йил муддатга қирол томонидан тайинланади. Ушбу суд асосан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни, Конституцияда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлатлар ўртасида муаммоли масалалар бўйича фикр бериш ҳамда Испания қироллиги Конституциясида ва қонунларида белгиланган бошқа ишларни кўриб чиқиб, қарор чиқаради. Конституциявий суднинг қарори қонуний кучга эга бўлади.

Испания қироллигининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари орасида прокуратура ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакат Конституциясига биноан прокуратуранинг вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ўзининг ваколати доирасида Испанияда одил судловга ёрдам беришдан иборат. Шу билан биргаликда прокуратура фаолияти мамлакатда қонуннинг устуворлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Испания қироллиги Конституцияси билан мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек, одил судловнинг мустақиллигини кузатиб боришга қаратилган. Прокуратурага Бош прокурор раҳбарлик қилади. У суд ҳокимияти Бош Кенгашининг фикри эшитиб бўлингандан сўнг ҳукуматнинг таклифи бўйича қирол томонидан тайинланади. Бош прокурор суд ҳокимиятида мансаб жиҳатдан Олий суд трибунал раисидан кейинги ўринда туради.

Прокуратура ҳуқуқбузарлик жиноятини очишда суд полицияси устидан қатъий тартибда назорат олиб боради. Испания Конституциясидан ташқари прокуратура соҳасини тартибга солиб турадиган "Прокурорнинг органик статуси" деб аталувчи махсус қонунлар мажмуи ҳам амалда бўлиб, улар прокуратура тизимини бошқарилишида муҳим ўрин тутади. Шундай махсус қонунлардан бири 50-сонли қонун бўлиб, унда прокуратуранинг ташкилий жиҳатлари тасвирланган (Ministerio Fiscal).

Испания қироллиги прокуратураси деярли барча судларда (трибуналларда), яъни олий трибуналлардан бошлаб қуйи провенция (туман)ларда ташкил қилинган. Шу билан биргаликда, прокуратура тизимига бошқа махсус прокуратуралар ҳам киритилган. Масалан, ноқонуний наркотик моддаларининг айланмасини олдини олиш бўйича прокуратура, экология прокуратуралари ва бошқалар.

Испанияда судялар, магистратлар ҳамда прокурорлар аниқ хизмат фаолияти билан шуғулланиши белгилаб қўйилган. Хусусан, уларнинг сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Кўриниб турганидек, Испания қиролигида суд ҳокимияти ва прокуратура идораларининг фаолияти мамлакат Конституциясига асосланади. Бу эса мамлакатдаги ҳуқуқий мувозанатни таъминлашга хизмат қилади.

Зокиржон БАРНОЕВ,
ҳуқуқшунос

ХИЁНАТ

ФЕЛЬЕТОН

Ана шундай кунларнинг бирида унинг ҳузурига корхона қузатув кенгаши аъзоси Ғулом Эрмўминов кириб келди.

— Э, Ғуломжон келинг, қайси шамол учирди, – дея уни илиқ қарши олди Қўчқор Холматов.

— Ҳа, энди ўрганган жойимиз, ака. Укамиз шу ерда бош ҳисобчи, сиздай акамиз директор бўлгандан сўнг яқин олиб тап тортмай келаверамиз, — деди у илтифотга жавобан.

Қуюқ ҳол-аҳвол сўрашишгач, директор анчадан буён ўзига тинчлик бермаётган режани шеригига айтишга жазм этди:

— Ғуломжон, шу денг, бир маслаҳатли иш бор эди...

— Қани, қани, қулоғим сизда. Ҳар қандай маслаҳатни биргалашиб ҳал этамиз. Бемалол очиқ айтаверинг.

— Автокорхонага хўжалик суди қарори билан харид қилинган бир нечта юк машиналари келтирилган. Шунга харидор топиб, «гулдур-гуп» қилиб юборсак...

— Харидорини топиш биздан, пулни санаб олиш сиздан, — деди завқланиб кетган Ғулом Эрмўминов. — Бўлди ака, бир-икки кунда харидор топаман.

Аслини айтганда, Ғулом Эрмўминов корхонага қарашли юк машиналарига харидор топиб, яна бошлиқ ҳузурида пайдо бўлди.

— Ака, топшириғингизни уддалаб келдим. Ташқарида харидорлар кутиб турибди. Хўп, десангиз, олиб кирай? — деди Ғулом ҳаволанган куйи.

— Қойилман, раҳмат. Қани, олиб киринг-чи, бир нархини бичайлик.

Қарздорлик эвазига ўз автоуловларидан суд қарорига кўра ажралиб қолган якка тадбиркорлар Б.Тўраев ва Ч.Тўраев ичкарига киргач, директор вазмин гап бошлади:

— Энди укалар, мансаб дегани қўлнинг кири. Бу корхонада кимлар ишлаб кетмади, дейсиз. Насиб қилган экан, бугун мен бошлиқ бўлиб турибман. Сизларга ҳам осон эмас. Хўп, десаларинг, бир яхшилик қилай. Бу дунёда одамдан эзгулик қолади. Машиналарни сизларга қайтариб бераман. Фақат шарти бор: 9 миллион сўм беринглар, машина сизларники...

Якка тадбиркорлар бу шартга рози бўлгандек, индамай ташқарига чиқишга чоғланишган эди, директор уларни яна тўхтатди:

(Давоми тўртинчи бетда)

ФАРЗАНД – УМИД НИҲОЛИ

Mushohada

Бир ёш ота донишманддан: — Мен фарзандимга тарбия беришни қачон бошлаганим маъқул, — деб маслаҳат сўрабди.

Шунда донишманд: — Фарзандинг ҳозир неча ёшда? — деб суриштирибди ва олти ойлик бўлди, деган жавобни олгач:

— Аттанг, олти ойга кеч қолибсан, — деб жавоб қилган экан.

Фарзанд тарбияси билан боғлиқ бу ривоятни ўқимаган ёки эшитмаган одам топилмаса керак. Яна халқимизда ёшликни зангор фаслга, фарзандни эса ёш ниҳолга қиёс қилишади

Ёшлар келажагимиз, уларни қанчалик тўғри тарбияласак, эртанги кунимиз шунчалик нурафшон бўлади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг баркамол авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг сабаби ҳам ана шунда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги **"Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"**ги 360-сонли қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, Президентимиз Ислом Каримовнинг **"Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузиш тўғрисида"**ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қароридан сўнг мамлакатимизда ёшларни жисмонан соғлом, маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик, ҳар хил зарарли таъсирлардан асрашда мутасадди идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимиз азалдан болажон. Фарзанд тарбиясига катта эътибор беради. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидай, ҳаётда шундай инсонлар ҳам борки, улар нафсининг қулига айланиб, жамият қоидаларига зид турмуш тарзига муте бўлиб қоладилар. Фарзандининг тарбияси, келажаги зиғирча қизиқтирмайдиган бундай "ота-оналар"нинг на жамиятга, на элу-юртга ва на фарзандига нафи тегади. Гиёҳвандликка, ичкиликбозликка ёки ахлоқий ва маънавий бузуқликка муккасидан кетган бундай кишилар ўз умрини хазон қилиш билан чекланмай, бегуноҳ фарзандлари ҳаётини ҳам заҳарлайдилар.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан олиб борилган таҳлилларга асосланадиган бўлсак, айни пайтда фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи оилалар шаҳар миқёсида 454 тани ташкил қилар экан. Энди ўрта ҳисобда шу оилаларда иккитадан фарзанд бор, деб фараз қиладиган бўлсак, демак, ҳозирги кунда 900 дан зиёдроқ болалар тақдири хавф остида. Яна рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 9311 нафар алкоголизмга, 3487 нафар гиёҳвандликка ружу қўйганлар ҳисобда турар экан. Уларнинг оилаларида тарбияланаётган болаларнинг тарбияси-чи?!.

Ота-она ва фарзанд муносабатлари жуда нозик масала. Бу борада миллий қадриятларимизда ҳам ота-она ва фарзанд муносабатларига доим қувноқ, ўйнаб-кулиб юрадиган бола бирданига ўзгариб қолади. Ўртоқларига ҳам қўшилмай, ёлғиз бир ўзи бурчак-бурчакда хомуш юришини кўриб, боғча опаси Акмалга ачиниб кетади. Уни ҳатто ўйинкулгу у ёкда турсин, овқатланишга ҳам иштаҳаси бўлмаётган эди. Боланинг бирон жойи оғримаяптимикан, деб хавотирланган боғча опа Акмални бағрига босиб, ундан бу ҳолнинг сабабини сўрайди. Шунда Акмал мурғак қалбидан тошиб чиқаётган кўз ёшларини тутиб туришга мадори етмай йиғлаб юборади ва боғча опасига ёлвориб илтижо қилади:

— Жон опажон, адам билан ойижонимга айтинг, энди уришмасин. Адам ойижоним билан ажралишаман деяпти. Унда мен кимни дада қиламан?

Мурғак қалбнинг изтироблари мени ҳам ўйлантириб қўйди. Биз катталар қанчалик бепарвомиз. Фақат ўзимизнинг ҳузур-ҳаловатимизни ўйлар эканмиз-у, болаларимизнинг мурғак қалбларига озор етишини ўйлаб кўрмас эканмиз.

Кўпинча кўча-кўйда кўринишидан туппа-тузук аёлларнинг ёнидаги суҳбатдошига эридан шикоят қилиб, бўлди етар, ажрашаман. Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим. Болаларни ўзим бир амаллаб боқиб оламан. Менга пули ҳам керакмас, алименти ҳам бошидан қолсин, деб турганини эшитиб қоламиз.

Тўғри, мен бу билан эркакларни оқламоқчи эмасман. "Жаҳл келаганида, ақл кетади", — деб шунга айтсалар керак-да. Ахир, аёл шу ўринда фақат ўзининг ҳузур-ҳаловатинигина ўйламаяптими? Жиндай бўлсада, болаларни ўйлаганида, уларнинг келажаги ҳақида қайғурганида, юқоридаги каби мулоҳаза юритмаган бўларди. Айтайлик, эр ишёқмас, бунинг устига ароқхўр бўлсин. Аёл жонидан тўйган ҳам дейлик. Иш ажралишгача бориб етти ҳам дейлик. Кейин-чи? Қани болалар олдидаги ота-оналик масъулияти? Сўнгги йилларда эр-хотинлар ўртасида ажралишлар камаймаётгани кишини ташвишлантиради. Эр-хотин орасида низо чиқиши ёки уларнинг ажралиши сабаблари бир қанча. Айрим оилалар арзимаган баҳона билан орани очиқ қилишяпти. Оиладай муқаддас тушунчани оёқ ости қилишяпти.

Бу ҳаётда ота-она учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинишдан ҳам оғир жазо бўлмаса керак. Лекин бу энг сўнгги чора. Бундай инсоний туйғудан узоқлашиб бўлган, фарзандларига заррача меҳри йўқ баъзи бир кимсаларга сўнгги чора қўллангунга қадар фарзандлари тарбияси издан чиқиб кетиши турган гап.

Сурункали ичкиликбозлик, енгил ҳаётга ўрганиб қолган, фарзанди борми-йўқми, ҳафта-ўн кунлаб кўчакўйда дайдиб юрадими, фарзандлари тўқми-очми — фарқи йўқ бўлган бундай кимсаларга ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниш унчалик ҳам катта фожеа эмас. Шундай экан, биз кўпроқ ўсиб келаётган ёш авлод тақдири тўғрисида бош қотиришимиз зарур. Чунки тарбияси издан чиққан болалар оппа-осон жиноят кўчасига кириб кетиши ҳеч гап эмас. Ота-она, мактаб ёки маҳалла назоратидан четда бўлган вояга етмаганлар эса бундай тузоққа тез илинадилар.

Вояга етмаганлар орасида ўз хатти-ҳаракатининг ноқонунийлигини англамаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Қонунга риоя қилиш учун уни билиш керак. Бундан кўринадики, вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олишни аввало уларнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий саводхонлигини ривожлантиришдан бошлаш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ёш авлод тарбияси ҳар бир киши зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Ёш авлод тақдири бугун сизу бизга боғлиқ экан, келинг, бироз эътиборлироқ бўлайлик.

Равшан ИСОҚОВ,
журналист

Bir jinoyat tarixi

Abraham LINCOLN:

ИККИ ДУНЁГА СИҒМАГАН БЕЗОВТА РУҲ

Баъзан кишининг сира ишонгиси келмайди. Лекин аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, ҳар safар эрхотин бирон-бир жойга боришга отланишса, албатта, икки ўртада жанжал келиб чиққан. Одатда, бунга кўпроқ Авраам Линкольннинг хотини — Мэри сабабчи бўларди. Бундай пайтда қаттиқ жазавага тушган Мэри ҳеч нарсадан қайтмас, у қимматбаҳо чой сервисларини синдириб ташлар, оғзига келган гап билан эрининг юзига қараб, тап тортмай бақирарди. Ҳатто бир safар қўшнилар Мэри қўлида пичоқ тутганча Авраам Линкольнинг ортидан қувиб бораётганига гувоҳ бўлишган.

Ўша оқшом ҳам жанжал келиб чиққан эди. Президент А.Линкольннинг стол календари жамламасидаги "14 апрел" кунидаги саҳифада шундай сўзлар қайд этилган эди: **"Грант билан бирга Тейлорнинг "Бизнинг америкалик тоға" комедияси томошасига борамиз, Мэрига эслатиб қўйиш керак"**. Аммо ўша кун томоша бошланишига бир неча соат қолганда генерал Улисс С.Грант (у аслида Авраам Линкольннинг ўрнига асосий даъвогарлардан бири бўлган) қўнғироқ қилиб, узр сўраган куйи театрга хотини билан бирга боролмаслигини маълум қилади. Аммо у бунинг сабабини очиқ айтмайди. Аслида улар Мэрининг тантиқликларидан азбаройи жонлари ҳиқилдоқларига келганидан, театрга боришдан воз кечишган эди.

Худо қарғаган ўша оқшом Жон Уликс Бут деган кимса ҳам Вашингтондаги Форд театрига ҳаммадан олдин етиб келади. У театр баридаги курсида ястаниб ўтирган куйи вискини бир маромда симирар экан, бундан уч ой бурунги бир воқеани эсларди. Ўшанда у ҳамтовоқлари билан Саррэт исмли аёлнинг уйига йиғилишган ва хурмачалари тўлганча бўкиб виски ичишар экан, президент — яъни энг инсонпарвар ва адолатли Америка президенти, ўз мамлакатини қуллар юртидан озод давлатга айлантиришга муваффақ бўлган инсонга ўлим тилаб, қадаҳ кўтаришган эди.

Жон Уликс Бут мансуб бу гуруҳ мамлакатда ўша пайтда рўй берган Шимол ва Жануб ўртасидаги курашда асосан жанубликларни қўллаб-қувватлар эди. Табиийки, улар бундан манфаатдор эди. Чунки президент Авраам Линкольн мамлакатда қулликни бекор қилиши натижасида улар текин ишчи кучи, аниқроқ айтганда, беҳисоб бойликдан маҳрум бўлиб қолган эди. Уларнинг барча алами, кинкудрати, президентни очиқ-ошкор ёмон кўриши, охир-оқибат эса унинг жонига суиқасд уюштириш пайига тушиб қолишгани сабаби ҳам ана шундай ҳудкомлик билан изоҳланар эди.

Ўша оқшом Бутни ҳам театрга ана шундай қора ният бошлаб келган эди. Томоша бошлангач, у ҳеч қандай қаршиликсиз ичкарига кириб олди ва тўппа-тўғри президент Авраам Линкольн ўтирган бўлма томон юрди...

Авраам Линкольн саҳнадаги томошадан кўз узмай ўтирарди. Аммо унинг хаёли бошқа жойда эди. У давлат ишларидан, айниқса, хотини билан бир неча дақиқа муқаддам рўй бериб ўтган даҳанаки жанжалдан қаттиқ толиққан эди.

У хотини Мэрини, ҳақиқатан ҳам, яхши кўрарди. Бундан анча йил бурун президентлик учун курашда унинг асосий рақиби ҳам Мэрининг қўлини сўраб, ўзига турмушга чиқишни таклиф этган эди. Бироқ Линкольннинг бу борада омади чопган, у ўзининг мақсадига эришган, яъни Мэрига уйланишга муваффақ бўлган эди.

Шундан буён орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Албатта, оиладаги узлуксиз жанжаллар, Мэрининг ноўрин тантиқлиги, баъзан ақлини йўқотган куйи жазавага тушиши, хуллас, ҳамма-ҳаммаси Авраам Линкольн юрагидаги муҳаббатини совутиб улгурган эди.

Аммо ҳар сафар жанжал бўлиб ўтгач, Авраам Линкольн муросасозлик йўлини тутар, ярашиш учун биринчи бўлиб қўл узатар эди. Бу гал ҳам шундай бўлди. У хотини томон ўгирилар экан, **Мэри, азизим**, дея шивирлади. Бу одатдагидек ярашиш учун ташланган биринчи қадам эди.

Аммо худо қарғаган айни шу лаҳзада Авраам Линкольн ўнг қулоғи орқасига кимдир совуқ қурол тақаганини ҳис этди. Аммо у ортидан ким қурол тақаб, жонига қасд қилаётганини кўришга улгурмади, ҳамма-ҳаммаси бир лаҳза ичида рўй бериб ўтди... Ана шу киприк қоққулик қисқа фурсат ичида унинг хаёлидан бу дунёдаги кечмиш ҳаёти, президентлик сайлови арафасидаги курашлар, мамлакатда қулликни бекор қилиши, ҳатто хотини Мэри билан билан кечган адоқсиз жанжаллар — барча-барчаси бир-бир ўтиб улгурди. Йўқ, у ана шу бир лаҳзада яна бир марта яшади, умрнинг маъно-мазмуни, яшашнинг моҳияти нимадан иборат эканини жуда чуқур англаб етди...

Залда ўқ овози гумбурлаб янгради... Президент Авраам Линкольн қип-қизил қонга бўялиб йиқилди.

Қотил Бут эса, қўлидаги қуролини ташлаб, ўзини ханжари билан ҳимоя қилганча, саҳнага отилиб чиқди-да, бор овоз билан бақирди: "Жанубдан қасос олинди: Бу ишга қўл урганларнинг ҳар бири бошига ана шундай кулфат ёғилади".

Мазкур мудҳиш қотиллик рўй беришидан ўн кунча муқаддам Авраам Линкольн туш кўрган эди. У тушида Оқ уй ичида бораётган эмиш. Шу пайт қандайдир кимсанинг жасадига тўқнаш келибди. Жасад атрофини одамлар қуршаб олган, ҳатто қоровул ҳам саф тортиб турганмиш. Авраам Линкольн бу ҳолдан ҳайратга тушиб, солдатлардан биридан қизиқсиниб сўрабди: — Оқ уйда ким дунёдан ўтди?

Солдат қайғуга ботган куйи унга тикилганча шундай жавоб берибди: — Бизнинг президентимиз оламдан ўтди...

Бу бир туш эди. Аммо орадан роппа-роса ўн кун ўтиб, у ҳақиқатга айланди. Авраам Линкольн ўзининг фожеали ўлимини олдиндан кўнгли сезган эди. Шунинг учун у қулоғи ортида қуролнинг совуқ тафтини сезганда ҳам, тақдирнинг бу "илтифоти"ни ўта босиқлик билан қарши олади.

Шу билан бирга унинг хаёлидан ўлсам, Уилли билан учрашаман, деган ўй кечган эди. Бу — унинг юрагини ўртаб келаётган азалий армон эди. У умр бўйи кўп йиллар бурун ҳалок бўлган ўғли Уилли билан яна қайта учрашиш, дилдан суҳбат қуриш орзусида яшарди.

Шунинг учун Авраам Линкольн нариги дунё билан алоқа боғлаш мақсадида руҳшунослик илми билан ҳам шуғулланган эди. Ростини айтганда, унинг ўзи бу ҳодисаларга ишониб-ишонмай қарар, унинг бор-йўқ армони дилбандининг дийдорига тўйиш эди, холос...

Ўша оқшом Форд театрида мудҳиш қотиллик содир этилгач, Авраам Линкольнни унинг ўзи узоқ йиллар яшаган Спрингфилд шаҳрида дафн қилишди.

Албатта, бу қотилликдан сўнг одамлар бу ҳам инсон пешонасига битилган хунрезлик, дея аламу ғазабларини ичларига ютиб, тинчгина яшаб кетишди.

Лекин кишини ҳайратга соладиган томони шунда эдики, ҳаётнинг ўзи Авраам Линкольнни бағридан қўйиб юборгиси келмасди. Аниқроқ айтганда, у кўзи тирик пайтида руҳлар дунёси билан муносабатга киришишга қаттиқ уринган боисми, унинг ўзи ҳам руҳга айланиб, одамлар орасида кезиб юрарди.

Гап шундаки, ҳар йил апрел ойида бир марта Авраам Линкольн президентлик пайтида мамлакатни бошқарган Вашингтондан у давлат раҳбарлигига сайланганга қадар яшаган Спрингфилд шаҳри томон поезд-шарпа йўл олади. Бу поезд шарпани дунёдаги бирон-бир асбоб-ускуна аниқлашга қодир эмас, бирон-бир депо ҳам уни жўнатгани ҳақида жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Аммо кимки ўша оқшом темир йўл ёнида бўлса, харитадаги икки нуқтани бирлаштириб, қоп-қора мотам либоси ва Америка байроғи билан ўралган вагонни тортиб бораётган локомотивни кўради. Бу вагоннинг қоқ ўртасида қопқоғи очиқ турган тобут аниқ-равшан кўзга ташланади, темир йўлларга эса қоп-қора мотам гилами тўшалганга ўхшайди.

Бу поезд ҳақиқийсига жуда ўхшайди, фақат у ҳеч қандай шовқин-суронсиз ҳаракат қилади, бунинг устига унинг атрофини қўллаб мундир кийган кимсалар қуршаб бораётгандек туюлади.

Бундан ҳам ҳайратлиси шундаки, бу поезд-шарпа ўтиб кетгач, темир йўл ёқасида жойлашган уйлар ва бу ғайритабиий манзарага кўзи тушган кишиларнинг қўлидаги соатлар тақа-тақ тўхтаб қолади.

Бу воқеадан сўнг орадан бир неча кун ўтгач, Линкольннинг шарпаси унинг ўзи дафн этилган қабр тепасида пайдо бўлади.

Бошқа пайтлар эса Авраам Линкольн шарпаси Оқ уйда кезиниб юради. Уинстон Черчилль, Голландия қироличаси Юлиананинг хотирлашича, улар шундай ён-атрофларида Авраам Линкольннинг шарпасини кўришган. Уларнинг айтишига қараганда, шарпа ўзидан аллақандай совуқлик ва зах ҳидини таратганча, сас-садосиз ҳаракат қилган. Баъзан эса шарпа дераза қаршисида шамдек қотиб қолган. Президент Авраам Линкольн ҳам ҳаёт пайтида худди шундай деразадан ташқарига тикилганча, хаёл суришни ёқтирган.

Президент Р.Рейганнинг қизи ҳам бир неча марта ана шу шарпага тўқнаш келган. Р.Рейгеннинг ити эса, Оқ уйда юрган пайтида ҳеч қандай хавф-хатар кўзга чалинмаса-да, аккилаб ҳўраверган.

Албатта, АҚШнинг 16-президенти ҳаётига суиқасд қилган қотиллар айбларига яраша жазога мустаҳиқ этилди. Хусусан, Авраам Линкольнга ўқ узган Бут оловда куйиб кул бўлди. Бу жиноятга бош қўшганлар — бунга ўз уйидан қотилларга жой берган Саррэт исмли аёл билан қўшиб ҳисоблаганда яна тўрт нафар киши 1865 йилда осиб ўлдирилди. Бошқа жиноятчилар ҳам узоқ муддат қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Бу воқеалар жараёнини кузатган киши кўнглида шундай табиий савол туғилади: Авраам Линкольннинг қотиллари шафқатсиз жазога тортилган бўлса-да, нега унинг руҳи ором топмаяпти?!

Бу жумбоқли савол орадан қариб бир ярим асрдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз ўз жавобини топгани йўқ.

"Аргументы и факты" газетасидан (19-сон 2003)
Бобомурод РАЙИМОВ таржимаси

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

Mitti maslahat

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШ МАЖБУРИЙМИ?

Шўро замонидаги қонунларда эр-хотиннинг фақат қонуний (расмий) мулк тартиби мавжуд эди. Бугун эса "Оила" ва "Фуқаролик" кодексларида қонуний мулк тартибини сақлаб қолиш билан бирга мулкни шартномавий тартибига ҳам ўрин берилган. Бу "Никоҳ шартномаси" ёки "Никоҳ контракти" деб айтилади.

"Оила" кодексининг 29-моддасига кўра, никоҳ шартномаси деганда никоҳдан ўтган эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёки эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви тушунилади.

Мазкур қоидаларнинг мамлакатимиз қонунчилигида акс этишининг сабаби бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусий мулкчиликка кенг йўл очилаётгани билан боғлиқ.

Никоҳ шартномаси тарафлари фақат никоҳга кирувчилар ва никоҳдаги эр-хотиндан иборат бўлиши мумкин.

Агар эътибор берадиган бўлсак, бир қатор Европа давлатлари қонунларидан фарқли равишда мамлакатимиз қонунчилигида бундай шартномани фақат мулкка (мулкий ҳуқуқларга) нисбатан тузиш кўзда тутилган. Бошқача айтганда, эр-хотинларнинг шахсий муносабатларини тартибга солишга қаратилган никоҳ шартномасидаги шартлар ҳақиқий эмас деб топилади.

"Оила" Кодексининг 30-моддасига биноан никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Шу модданинг 2-қисмига мувофиқ, никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. ("Оила" Кодекси 30-моддаси, 3-қисм).

Фуқаролик Кодексининг 354-моддаси 2-бандига кўра, эр-хотиннинг ёки келажакдаги эр-хотиннинг никоҳ шартномасини тузишга ҳуқуқлари бор (аммо мажбур эмас). Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди.

Кўриниб турибдики, никоҳ шартномасини тузиш ёки тузмаслик ихтиёри эр-хотиннинг ўзига тегишлидир. Мабодо эр-хотин никоҳ шартномасини тузмаса, уларнинг мулкий ҳуқуқий муносабатлари қонуний тартибда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинади.

Яқинда Адлия вазирлиги томонидан никоҳ шартномаларининг намунавий кўринишлари ишлаб чиқилди. Ушбу намуналарда никоҳ шартномаси тузишнинг аниқ шакллари белгилаб берилган бўлиб, барча нотариал идораларда бу билан танишиш имкониятлари яратилган. Бу эса никоҳ шартномасини тузишни хоҳловчилар учун қулайлик ҳисобланади.

Қизлар гурунги

Суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

Jinoyat va jazo

ХИЁНАТ

ФЕЛЬЕТОН

(Давоми. Боши учинчи бетда)

— Ҳа, дарвоқе, сал бўлмаса, ёдимдан кўтарилай депти. Ўзаро келишилган нарх шу ерда қолсин. Яна хўжалик судига мурожаат қилмайсиз. Шу шарт билан машина сизларники бўлади, — деб тайинлади бошлиқ.

Ўшанда кузнинг ўрталари эди. Қумқўрғон туманидаги "Чашка" қишлоғи ҳудудидаги "Соҳил" ошхонасининг атрофидаги дарахтлар сарғайиб қолган барглари ер узра тўшаган кунларнинг бирида, олдиндан келишилгандек, Ғулом Эрмўминов якка тадбиркор Б.Тўраев, Ч.Тўраевлардан хўжалик суди қарори билан харид қилинган машина тўловини олиш учун шу жойдаги ошхонанинг ертўласига киришди.

Тадбиркорлар 4 миллион 500 минг сўмни шошилмасдан санаб топшираётган пайт етиб келган тезкор гуруҳ ҳамтовоқларни жиноят содир этишаётган пайтда қўлга олишди.

Қўчқор Холматов ўзининг директорлик фаолиятида корхона бош ҳисобчиси Турсунбой Эрмўминов, Шеробод туманидаги "Тараққиёт ЛТД" масъулияти чекланган жамият директори Ғанишер Эрмўминов, Термиз шаҳридаги "Пруд" савдо ишлаб чиқариш корхонаси директори Ғулом Эрмўминовдан иборат гуруҳга корхона пулларини ўзлаштириб юборишдек хиёнат йўлининг дарвозасини кенг очиб берди. Корхона ўз ишчи ва хизматчиларининг ойлик маошларини беролмай қарзга ботиб ётган бир вақтда, ҳисоб рақамдаги маблағлар "чап"га кетаверди. "Пруд" савдо ишлаб чиқариш корхонаси директори Қумқўрғон туманидаги «21-сонли автокорхона» акцияларининг 25 фоизини харид қилиб, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг кенгаши аъзоси бўлиб олди. Бу ерда эса унинг туғишган укаси Т.Эрмўминов бош ҳисобчи вазифасини бажарган. Корхона директори Қўчқор Холматов билан улар хазинадаги пулларни ўмаришнинг турли йўлларини излаб топишди. Жумладан, автокорхона Термиз шаҳридаги "Пруд" савдо ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳеч қандай шартнома тузмаган ҳолда 2002 йилнинг 24 октябр кунидаги 006-сонли тўлов топшириқномасига асосан қалбаки имзолар билан 120 минг сўмлик маблағни ушбу савдо корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб берди. Савдо корхонаси раҳбари Г.Эрмўминов эса бу пулларни Термиз шаҳар "Халқ банки"дан олган кредит фоизини ёпишга ишлатиб юборди.

Ака-ука Эрмўминовларнинг корхона ишчилари ҳақига хиёнат қилишдаги хотамтойлиги бундан илгари ҳам содир этилганлиги текширув чоғида ўтказилган суриштирув натижасида аниқланди. 2001 йилнинг 9 июн кунидаги 39-сонли тўлов топшириқномасига кўра, автокорхона билан "Пруд" савдо корхонаси ўртасида ҳеч қандай олди-берди шартномаси тузилмасдан бош ҳисобчи Турсунбой Эрмўминов қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб "махсус кўрсатмага асосан" деб 5 миллион сўм маблағни қонунга хилоф равишда ўз акаси Ғулом Эрмўминов бошлиқ ушбу савдо корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб берган. Ва бу билан ўша маблағни "Пруд" савдо корхонасининг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Сурхондарё бўлимидан олган катта миқдордаги кредитнинг бир қисмини ёпишга ишлатиб юборган. Корхона директори К.Холматов бошлиқ ака-ука гуруҳлардан иборат хиёнатчилар автокорхона ҳисобидаги маблағларни талон-тарож қилиб ўз манфаатларини кўзлаб ишлатиб юбориб катта иқтисодий зарар келтирганлар.

Корхона бош ҳисобчиси Турсунбой Эрмўминов Шеробод туманидаги "Тараққиёт ЛТД" масъулияти чекланган жамият директори Ғанишер Эрмўминовлар ўзаро тил бириктириб, 2002 йил 14 октябр кунидаги 15-сонли тўловнома билан "махсус кўрсатмага асосан" дея яна корхонанинг 2 миллион сўмлик маблағини "Тараққиёт ЛТД" масъулияти чекланган жамиятга ўтказиб беради. Бу жамият эса уканинг «илтифоти»дан ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки вилоят бўлимидан олган кредит қарзининг бир қисмини ёпиб олишда фойдаланади. Ишчилар ойлик маошларини ололмай сарсон-саргардон юрган бир пайтда корхонанинг давлатдан турли тўловлар ҳисобига анча қарздорлигини билиб туриб, бу жиноий гуруҳ фақат нафсларини қондириш, чўнтакларини пулга тўлдиришни ўйлашган, холос.

Текширувлар натижасида директор К.Холматов бошлиқ ака-укалардан иборат жиноий гуруҳнинг барча кирдикорлари ошкор этилди. Улар суд олдида жавоб ҳам беришди.

Шу ўринда қуйидаги мулоҳазалар туғилади: шунча вақт мобайнида корхонада содир этилган қинғир ишлардан жамоа аъзолари нега бехабар қолишган? Бутун бошли машиналар сотилса-ю, бундан ҳеч ким хабар топмаса? Одатда, қинғир ишлар дарров қулоққа етиб, чанги чиқиб, даврўғи узун-калта бўлганича эл орасига тарқалади. Лекин корхонадаги ажабтовур ишларни кўрган жамоа аъзолари "сен менга тегма, мен сенга тегмай" қабилида иш юритганликлари, атрофда содир этилаётган воқеаларга бефарқ, эътиборсиз нигоҳ ташлаганликлари асло кечирилмас ҳолдир. Қисқа вақтда автокорхонадаги бундай ножўя, жиноий ишлар содир этилганлиги нафақат Қумқўрғон туманидаги «21-сонли автокорхона» жамоаси эмас, балки шу соҳада меҳнат қилаётган мутасаддилар учун ҳам сабоқ бўлса, ажаб эмас. Зеро, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам элга ошкор бўлишини унутмайлик.

Раҳмон УМАРОВ,
ҳуқуқшунос
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Johillik kasri

НАФС ҚУРБОНЛАРИ

Менинг нафсим балодур, ўтдан ўтга соладур, дея бежиз айтмайдилар. Йўқса, Тошкент шаҳрида яшовчи ёшгина йигитлар И.Хўжахонов, А.Раҳматов, Б.Исроилов, З.Ҳусанбоев, Б.Пўлатов олдиндан ўзаро тил бириктириб, икки кунда бир нечта ўғирлик содир этармиди?!

Улар 2002 йил 5 ноябрь куни кечки пайт Чилонзор даҳасида турган М.Зокировга тегишли «Жигули» русумли автомашинаси салонидан нархи 70 минг сўмлик "ДЭУ таип" автомагнитоласи билан 10 минг сўм пулни ўмариб кетади. Шу куни яна бир автомашина эшигини ясама калит билан очиб, нархи 10 минг сўмлик "Пионер" русумли автомагнитола устки қисмини ушлаб турувчи панели ҳамда дуолар ёзилган китобчани ўғирлаб олади.

Эртасига эса Шайхонтоҳур тумани ҳудудида турган Ш.Ғозиевага тегишли автомашинадан 25 минг сўмлик "Зузуки" русумли автомагнитола билан 5 минг сўмлик уяли алоқа телефонини машинага ўрнатиш ускунасини ўғирлайди.

Иш хамирдан қил суғургандай кечаётганидан руҳланган ўғрилар «Қоратош» даҳасида турган автомашинадан 20 минг сўмлик "ДЭУ таип" русумли автомагнитолани, ҳар бири минг сўмлик икки дона аудио кассеталарини ўғирлашади. Шайхонтоҳур тумани ҳудудида турган И. Йўлдашевга қарашли автомашинанинг 5 минг сўм турадиган ойнасини синдириб, салондаги нархи минг сўмлик бир дона аудио кассетани ўғирлашаётганда милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд мажлисида қўли эгрилар ўз айбларига иқрор бўлди. Ўз қилмишларидан пушаймон ейишди. Аммо жуда-жуда кеч бўлди.

Эндигина йигирма, йигирма беш ёшга қадам қўйган ёш йигитларни ўғирлик кўчасига киришга нима мажбур этди? Майли, булар йигитлар экан, дейлик. Аммо ҳали турмушга чиқмаган айрим ёш қизларнинг ўғрилик кўчасига кириб кетишини қандай тушунса бўлади?

Шайхонтоҳур тумани, Шофайз 1-берк кўчасида яшовчи опа-сингил Зилола ва Маъсуда Содиқова қўшниси Мирзаҳмедовалар хонадони қизлари билан болаликдан бирга ўсди. Улар дугона. Бир-бирларининг уйига бемалол кириб-чиқишади.

Ана шу опа-сингил Зилола ва Маъсуда қинғир йўлга кириб кетди. Улар 2002 йил 9 август куни ўғирлик жиноятини содир этиб, Собир Раҳимов тумани суди томонидан қилмишларига яраша жазо олишди.

Президентимизнинг 2002 йил 3 декабрдаги "Амнистия тўғрисида"ги Фармонига биноан улар жазони ўташдан муддатидан илгари озод этилди.

Аммо орадан бир ой ҳам ўтмай, опа-сингиллар яна қинғир йўл билан мўмай даромад орттиришни ўйлаб қолди. 2003 йил 23 январ куни Зилола меҳмонга чиққан қўшнисини уйида ёлғизлигидан фойдаланиб, чалғитиб турди. Маъсуда эса вақтдан фойдаланиб, уларникига кириб, 400 минг сўм пулини ўғирлаб чиқди.

Пули йўқолганини кўрган қўшни қиз икки кун Зилолаларникига чиқиб, пулларини олган бўлса, қайтариб беришни сўраб ёлворди. Аммо опа-сингил тониб туриб олди. Тезкор суриштирувдан сўнг милиция ходимлари Зилола ва Маъсуда Содиқова қўшниси Мирзаҳедовалар хонадонидан 400 минг сўм пулни ўғирлаб олганини аниқлаб берди. Илгари узоқ йилга қамалганига қарамай, жазолари авф этилиб, озодликка чиққан қизлар нега яна жиноятга қўл урди? Ахир, улар озодликка чиқаётиб, энди муносиб хулқ-атворда бўлишлари ҳақида сўз беришган эди-ку!

Бу саволларга энди жавоб йўқ.

Жамшид САЙДАЛИЕВ,
Азизбек АСРОНОВ,
ҳуқуқшунос

Фарғона Давлат Педагогика институти томонидан Мамасолиев Шуҳрат Турдиматовичга 1982 йилда берилган ЗБ № 825890 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50